КПСС МК МАРТ ПЛЕНУМИ қарорларини АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар, ғўзамизни меҳр билан ўстирайлик!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 104 (2137). | 27 май, якшанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Суратда: (чапдан) Турсуной Раимова, Турсуной Охунова ва Турсуной Йўлдошева ўртоқлар. Автор фотоси.

ЛАВҲА

УЧ ТУРСУНОЙ

Ўзбек элининг қаҳрамон кизи Турсуной Охунова республикамиз хотин-қизлари тарихида биринчи бор «пўлат от» чавандози бўлди, пешона тери тўкиб етиштирилган «оқ олтин»ни эгакка эмас, бункерга терабошлади. Турсуной бошлаган ажойиб ташаббус хотин-қиз механизаторлар тарихига дебоча бўлди.

Халқларимиз коммунизмга дадил қадамлар ташлаб кетаётган ҳозирги пайтда турсунойчилар ҳаракати яна ҳам кенг авж олиб кетди. Турсунойнинг шону-шуҳрати бутун мамлакатга ёйилди. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор...

Турсунойчилар сўлим баҳор кезларида илиқ тупроқ бағрига чигит ташлашади, ёз бўйи ғўзаларини меҳр билан парвариш қилишади, олтин кузда «оқ олтин» дурдоналарини териб олишади. Бу сермеҳнат ишларни улар ўзларининг «пўлат от»ларида бажаришади.

Турсуной исмли қиз-жувонлар уларнинг орасидан қўплаб топилади. Биргина Чиноз районининг ўзида уч Турсуной бор. Буларнинг бири ҳаммага маълум бўлган Турсуной, иккинчиси — «XXI партсъезд» колхозининг бригадири Турсуной Раимова, учинчиси — «Москва» колхозининг бригадири Турсуной Йўлдошева...

... Мана, ўртоқ Турсуной Охунова бошчилик қилаётган бригаданинг пахта далалари. Ям-яшил мўрғак ғўзалар ер бетини тўла-тўкис қоплапти. Жўяклардаги тип-тиниқ сув бетида қуёшнинг заррин нурлари ўйнайди. Тушки дам олиш пайти бўлгани учун пайкалларда ҳеч ким кўринмайди. Тонг коронғусидан бери узоқ-узоқларга аюҳаннос таратиб ишлаётган тракторлар ҳам карта чеккасида «нафас ростлаяпти». Кўм-кўк дарахтзор бағрига қурилган шинамгина дала шийпонида ёса хушчаққчлик ҳукмрон. Пахтакорлар эндигина овқатланиб бўлиб ўзаро қизғин гурунг қуришган эди. Дарвоқе бу ерда меҳмонлар ҳам бор. Бугун Турсуной Раимова билан Турсуной Йўлдошева шу ерга — ўз устозлари Турсуной ҳузурига келишган. Уч исмдош бригадир навбат билан ўз ишлари тўғрисида сўзлар, бирбири билан маслаҳатлашар эди. Турсуной Раимова ўз бригадаси ҳақида ҳикоя қилар экан, ҳаёли бир зум ўтмишга учди.

... Унинг турсунойчи бўлиш тарихи ўзига хос бўлганди. Минг тўққиз юз эллик тўққизинчи йилнинг кузида Турсуной Охунова «зангори кема»сини ҳайдаб уларнинг бригадасига кўмакка келди. Ёш қизчаси Муҳаббатни ҳам шу ерга келтирди. Ўшанда ўртоқ Раимова энди йигирма баҳорни кўрган киз эди. У дала шийпонидаги боғчада мураббия бўлиб ишларди. У бошқа болалар қатори Муҳаббатни ҳам муҳаббат билан бағрига олди. Мураббия болаларни тарбиялар экан дам пайкалда шиддат билан пахта тераётган ХВС га, дам рулни моҳирона бошқараётган Турсунойга ҳавас билан боқар, ҳозироқ бориб машинани ҳайдагиси келарди. Аммо афсуски, у механизаторлик касбини ҳали билмайди. Ана шу пайтдан бошлаб унинг қалбида механизатор бўлиш иштиёқи кенг қанот ёзди. Исмдошини ўзининг устози деб билди, ундан йўл-йўриқлар ўрганди ва ниҳоят ўтган йили Вревскийдаги механизация мактабига бориб ўқиди. Шу йили кузда у ҳам ХВСнинг рулига ўтиришга муяссар бўлди. Мавсум охиригача ғайратини бўшаштирмасдан 110 тонна пахта терди. Бу йилдан бошлаб у каттагина бригаданинг, демакки, пахтакорлар оиласининг бошлиғи.

... Ҳаёли худди шу жойга келганда Турсуной Раимова устозига аста гап қотди:

— Турсуной опа, баъзи кишилар нега ҳанузгача машинани ёқтиришмайди-я? Ўтган йили мен кўзлаб қўйган пайкалнинг пахтасини қўлда териб етишди. Оқибатда терган пахтам 110 тоннадан ошмади. Бу йил бунга йўл қўйиб бўпман. Қирқ центнер учун қурашаяпмиз. Олтмиш икки гектар еримизда 248 тонна пахта етиштирмоқчимиз. Ўз бригадамиз ва қўшни бригадалардан 250 тонна пахта теришга аҳд қилдим.

— 250 тонна! — Ажабланди Турсуной Йўлдошева, — жуда катта жўръат қилворибсиз-ку, адаш. Мен 150 тоннани мўлжаллаб турибман.

— Мўлжални жуда тўғри олибсиз, — деди унинг суҳбатдоши, — сизларнинг ерларингиз паст, баланд, қия. Шундай ерлар шароитида 150 тонна териш ҳам катта гап.

Турсуной Охунова рўпарасида ўтириб, дугонасининг саволларига бетўхтов жавоб бераётган Йўлдошевага синовчан назар ташлади. У ўз шогирди ҳақида ўйларди...

... Йигирма икки баҳорни кўрган, қорачадан келган, жиккаккина бу ёш жувон бундан икки йил муқаддам қаҳрамонинг синглиси Инобат Охунова билан бирга Турсунойга шогирд тушган эди. Ў шундай тиришқоқ, ҳаракатчан қиз эдики, ҳамма унга ишора қилиб «ажойиб механизатор чиқади» деб қўярди. Худди шундай бўлди. Ўша йили устоз икки шогирдини Вревскийдаги мактабга жўнатди. Орадан олти ой ўтгач, қарабсизки — иккаласи ҳам моҳир механизатор! Бу йил ўртоқ Йўлдошевани бригадага бошлиқ қилиб кўтаришди. Тўғри, бу бригада кичикроқ — 45 гектар ери бор. Лекин мақсад катта — 35 центнер!

— Турсуной опа, ўз бригадангизнинг ишлари ҳақида гапириб беринг, — илтимос қилди Турсуной Раимова.

— Юз гектар еримиз борлигини ўзингиз билсангиз керак, — деди Турсуной, — 50 центнерни кўзлаяпмиз. «Жуда катта кетибсиз-ку» деб ўйламанглар тағин, бу маррага албатта эришамиз. Ҳозир кўчатларимиз бут. Ҳар гектар ерда камида 100—110 минг туп ғўза бор. Иккинчи комплекс ишлов беришни эрта-индин тугаллаймиз. Иккинчи озиқлантиришни ҳам бошлаб юбордик. Ғўза зараркунандаларига қарши гексахлоран сепаяпмиз. Учта тракторимиз кунига 25—30 гектар ерни культвация қилаяпти. Кузда 300 тонна пахтани машинада териб олишга аҳд қилдим...

Уч Турсунойнинг суҳбати тугаганда тушки дам олиш пайти ҳам тамом бўлган эди. Улар пайкал чеккасида турган трактор ёнига келиб хайрлашишди. Турсуной Охунова трактор рулига ўтириб, пайкал оралаб кетди. Унинг икки исмдоши эса ўз бригадаси томон йўл олди...

Чиноз лик уч Турсунойнинг ишларига катта муваффақиятлар тилаймиз. Турсунойчиларнинг сафи кундан-кунга, ойдан-ойга, йилдан-йилга кўпаяверсин. Хамманинг орзу-истаги шу!

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ИККИНЧИ ОНА ТИЛИМИЗ

Кишилик баҳори барқ уриб, гуркираб яшнаётган бизнинг она-Ватанимиз қудратли, беғоён мамлакатдир. Унинг чегаралари денгизлардан денгизларга, океанлардан океанларга бориб туташган. Жаҳон картасида, ер куррасида кенг яғринли, қирмизи сайқал билан чизиб кўрсатилган улкан диёр — бизнинг улуғ Совет Иттифоқимиздир.

Совет кишиси улуғ диёримизнинг қайси ерига — хоҳ Грузия қишлоқларига, хоҳ Карелия ўрмонларига, хоҳ Молдавия боғларига, хоҳ Чукотка қирларига бормасин, ҳамма ерда ўзининг иккинчи она тили — яъни улуғ рус тили орқали бу ердаги халқлар, элатлар билан бемалол сўзлаша олади.

Рус тили мамлакатимизда миллатлараро тил, ер юзи миқёсида эса халқаро тил сифатида кенг шуҳрат қозонмоқда. Жаҳоннинг турли бурчакларидаги халқлар рус тилини ўрганишга тобора қизиқмоқдалар.

Коммунистик партия ва совет давлатининг улуғ асосчиси Владимир Ильич Ленин бундан ярим аср илгари рус тилининг фазилатлари ҳақида гапириб, рус тили улуғ ва қудратли тилдир, биз бошқа халқларнинг бу тилни ихтиёрий равишда ўрганишларини истаймиз, деган эди. Доҳининг башорат қилиб айтган бу сўзлари кўп миллатли Совет Иттифоқида амалга ошди. Мамлакатимизда турли миллат фарзандлари улуғ рус тилини ихтиёрий равишда зўр иштиёқ билан ўрганмоқдалар.

Рус тилининг ифодали, маъноторлиги, бойлиги ва нафислиги, инсон ҳис-туйғуларини ва фикрини, уларнинг энг нозик нуқталаригача ифодалаш учун барча хусусиятларга эга эканлигини жаҳоннинг кўпгина донишмандлари, олим ва адиблари таъкидлаганлар. Рус тилининг бойлиги ва буюк хусусиятларига шу тилда ижод этган И. А. Крилов, А. С. Пушкин, Н. В. Гоголь, В. Г. Белинский, А. П. Чехов, А. М. Горький ва бошқа буюк сўз усталари юксак баҳо берганлар. Совет поэзиясининг отахони Владимир Маяковский ҳам рус тилининг халқаро аҳамиятини поэзия тили билан ёрқин ифодалаб, бундай деган эди:

Ёши қайтган бир негр
бўлганимда ҳам,
Эгаллаб олар эдим
русларнинг тилин,
Машқ қилардим
эринмай, бўшашмай, бардам.
Шу важданки,
бу тилда гапирган Ленин.

Рус тили грамматикаси, унинг тараққиёт қонун-қоидалари, ўзига хос хусусиятлари, тарихи ва луғат бойлиги ҳар тарафлама мукаммал ишлангандир. У мамлакатимиздаги барча миллий тиллар тараққиётига самарали таъсир кўрсатмоқда. Ўзбек ёзувининг рус графикаси системасидаги ёзувга кўчуви ижобий натижалар берди, икки тилни бир-бирига яқинлаштирди, саводхонликни оширишни осонлаштирди.

Рус тилига қизиқиш, рус тилини ўрганиш йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Улуғ доҳи В. И. Ленин тилини ўрганиш, маърифат генийлари М. В. Ломоносов, Д. И. Менделеев, И. В. Мичурин тилини ўрганиш, жаҳон адабиётининг корифейлари А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой, А. М. Горький тилларини ўрганиш Совет Иттифоқидаги турли миллат кишиларининг маънавий эҳтиёжи бўлиб қолди. Чунки рус тили ўзаро тажриба алмашишга ва ҳар бир миллат ва халқнинг СССРдаги бошқа барча халқларнинг маданий ютуқларидан ва жаҳон маданиятидан баҳраманд бўлишига ёрдам беради. Рус тили амалда СССРдаги барча халқларнинг миллатлараро алоқа ва ҳамкорлик қилишида умумий тил бўлиб қолди.

Мамлакатимиздаги мактабларда рус тилини ўргатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки рус тилини чуқур ўрганиш мамлакатимиздаги турли миллат меҳнаткашлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишида жуда катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир қардош республиканинг фан, техника, маданият соҳасидаги муваффақиятлари рус тили туфайли мамлакатимиздаги барча халқларга аён бўлиб, умумхалқ бойлигига айланмоқда. Шу сабабли мактабларни тамомлаб чиқувчи ўқувчилар рус тилининг оғзаки ва ёзма нутқини мукаммал эгаллаб олган бўлишлари, ўз фикрларини рус тилида равшан ва тўғри баён этишлари ва рус адабиётини пухта мутолаа қиладиган бўлишлари керак.

Рус тилини ўқитишга бутун мамлакатимиздаги каби областимизнинг шаҳар ва район мактабларида ҳам катта эътибор бериб келинмоқда. Бу соҳада кўп жойларда яхши намуналар натижаларга эришилган. Лекин областимизнинг ҳамма мактабларида ҳам рус тилини ўқитиш юқори, ҳозирги талаблар даражасида олиб борилаётир деб бўлмайди. Айрим мактабларда рус тилидан дарс бериш савияси қониқарли эмас. Мактабларимизда рус тилини ўрганишда йўл қўйилаётган нуқсонларни тугатиш, ёш авлоднинг рус тилидан яхши саводхон бўлиб етишиб чиқиши учун ҳамма чорани кўриш — мактаб-маориф ходимларининг муқаддас бурчидир.

Эртага Тошкентда миллий мактабларда рус тилини ўқитиш масалаларига бағишланган республикаларо иккинчи конференция очилади. Конференция рус тилини ўқитиш соҳасида эришилган жуда катта ютуқларга якун ясайди ва бу соҳада олдимизда турган вазифаларни белгилаб беради. Конференцияда рус тили ва адабиётни ўқитувчиларини тайёрлаб чиқарадиган институтларнинг ўқув планлари ва программалари, рус тилини турли синфларда, олий ўқув юртларида эса турли факультет ва курсларда ўқитиш методикалари, дарслик тузиш принциплари, ўқувчиларнинг нутқ маданиятини бойитиш йўллари ҳақида конкрет тадбирлар белгиланади.

Улуғ рус тилини ўқитишнинг методик ва ғоявий савиясини коммунистик қурилиш талабларига мувофиқ юксак даражага кўтарайлик.

Бу — ҳаёт ва давр талабидир!

МОДИБО КЕЙТА ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети 25 майда Мали Республикасининг давлат бошлиғи ва ҳукумат раиси Модибо Кейта шарафига зиёфат бердилар.

Зиёфатда Модибо Кейта ва унинг рафиқаси билан бирга юстиция давлат министри Жан-Мари Конэ рафиқаси билан, ташқи ишлар министри Барема Бокум, ёшлар ташкилотининг бош секретари, депутат Габу Дьавара, савдо ва саноат министри Хамасире Н.Дуре рафиқаси билан, миллий маориф министри Абдулай Сингаре рафиқаси билан, сиёсий комиссарлар, депутат-мэрлар Мамаду Сидибе, Мамаду Диарра, Бирама Сидибе, шунингдек Миллат мажлисининг депутатлари, Мали раҳбар давлат ва партия ходимлари, жамоат арбоблари, Мали Республикасининг СССРдаги элчиси Мамаду Фадиала Кейта рафиқаси билан ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда ҳурматли меҳмоннинг Совет Иттифоқи бўйлаб қилаётган сафаридаги ҳамроҳлари СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. А. Мюрисеп, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Я. А. Малик, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, армия генерали С. Г. Поплавский ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, республика Министрлар Совети Раиси Р. Қурбонов, СССР Олий Советининг депутатлари Ф. Е. Титов, З. Р. Раҳимбобоева, Г. Ф. Наймушин, Қ. Муртазоев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. М. Нажесткин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Х. Эргашев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев, депутат-мэрлар Мамаду Диарра, Бирама Сидибе, Мамаду Фадиала Кейта рафиқаси, Мали раҳбар давлат ва партия ходимлари, жамоат арбоблари, Мали Республикасининг СССРдаги элчиси Мамаду Фадиала Кейта рафиқаси ва ҳамкорлар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. А. Мюрисеп, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Я. А. Малик, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, армия генерали С. Г. Поплавский ва бошқа расмий кишилар ҳам Сочига жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).

Модибо Кейта Тошкентдан жўнаб кетди

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Мали Республикасининг давлат бошлиғи ва ҳукумат раиси Модибо Кейта 26 майда рафиқаси билан самолётда Ўзбекистон пойтахтидан Сочига жўнаб кетди.

Тошкент аэропорти Мали Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари билан безатилган эди. Аэропорт биноси пештоқида Модибо Кейта, Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев портретлари қўзга ташланади. Тошкент меҳнаткашларининг неча юзлаб вакиллари ҳурматли меҳмон ва унинг йўлдошларини узатиб қолиш учун бу ерга тўпландилар. Узатиб қолувчилар орасида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, СССР Олий Совети депутатлари Г. Ф. Наймушин, Қ. Муртазоев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Х. Эргашев, республика Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев, министрлар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, журналистлар бор эди.

Модибо Кейта Ё. С. Насриддинова ва Р. Қурбонов билан бирга ликда саф тортиб турган фахрий қоровул олдидан ўтади. Оркестр Мали Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат гимнларини ижро этади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов Модибо Кейтага ва унинг йўлдошларига мурожаат қилиб, уларга оқ йўл тилади. Мали халқининг Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат гимнларини ижро этади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов Модибо Кейтага ва унинг йўлдошларига мурожаат қилиб, уларга оқ йўл тилади. Мали халқининг келажаги порлоқ, ёз бўйи ғўзаларини меҳр билан парвариш қилишади, олтин кузда «оқ олтин» дурдоналарини теріб олишади. Бу сермеҳнат ишларни улар ўзларининг «пўлат от»ларида бажаришади.

Турсуной исмли қиз-жувонлар уларнинг орасидан қўплаб топилади. Биргина Чиноз районининг ўзида уч Турсуной бор. Буларнинг бири ҳаммага маълум бўлган Турсуной, иккинчиси — «XXI партсъезд» колхозининг бригадири Турсуной Раимова, учинчиси — «Москва» колхозининг бригадири Турсуной Йўлдошева...

... Мана, ўртоқ Турсуной Охунова бошчилик қилаётган бригаданинг пахта далалари. Ям-яшил мўрғак ғўзалар ер бетини тўла-тўкис қоплапти. Жўяклардаги тип-тиниқ сув бетида қуёшнинг заррин нурлари ўйнайди. Тушки дам олиш пайти бўлгани учун пайкалларда ҳеч ким кўринмайди. Тонг коронғусидан бери узоқ-узоқларга аюҳаннос таратиб ишлаётган тракторлар ҳам карта чеккасида «нафас ростлаяпти». Кўм-кўк дарахтзор бағрига қурилган шинамгина дала шийпонида ёса хушчаққчлик ҳукмрон. Пахтакорлар эндигина овқатланиб бўлиб ўзаро қизғин гурунг қуришган эди. Дарвоқе бу ерда меҳмонлар ҳам бор. Бугун Турсуной Раимова билан Турсуной Йўлдошева шу ерга — ўз устозлари Турсуной ҳузурига келишган. Уч исмдош бригадир навбат билан ўз ишлари тўғрисида сўзлар, бирбири билан маслаҳатлашар эди. Турсуной Раимова ўз бригадаси ҳақида ҳикоя қилар экан, ҳаёли бир зум ўтмишга учди.

... Унинг турсунойчи бўлиш тарихи ўзига хос бўлганди. Минг тўққиз юз эллик тўққизинчи йилнинг кузида Турсуной Охунова «зангори кема»сини ҳайдаб уларнинг бригадасига кўмакка келди. Ёш қизчаси Муҳаббатни ҳам шу ерга келтирди. Ўшанда ўртоқ Раимова энди йигирма баҳорни кўрган киз эди. У дала шийпонидаги боғчада мураббия бўлиб ишларди. У бошқа болалар қатори Муҳаббатни ҳам муҳаббат билан бағрига олди. Мураббия болаларни тарбиялар экан дам пайкалда шиддат билан пахта тераётган ХВС га, дам рулни моҳирона бошқараётган Турсунойга ҳавас билан боқар, ҳозироқ бориб машинани ҳайдагиси келарди. Аммо афсуски, у механизаторлик касбини ҳали билмайди. Ана шу пайтдан бошлаб унинг қалбида механизатор бўлиш иштиёқи кенг қанот ёзди. Исмдошини ўзининг устози деб билди, ундан йўл-йўриқлар ўрганди ва ниҳоят ўтган йили Вревскийдаги механизация мактабига бориб ўқиди. Шу йили кузда у ҳам ХВСнинг рулига ўтиришга муяссар бўлди. Мавсум охиригача ғайратини бўшаштирмасдан 110 тонна пахта терди. Бу йилдан бошлаб у каттагина бригаданинг, демакки, пахтакорлар оиласининг бошлиғи.

... Ҳаёли худди шу жойга келганда Турсуной Раимова устозига аста гап қотди:

— Турсуной опа, баъзи кишилар нега ҳанузгача машинани ёқтиришмайди-я? Ўтган йили мен кўзлаб қўйган пайкалнинг пахтасини қўлда териб етишди. Оқибатда терган пахтам 110 тоннадан ошмади. Бу йил бунга йўл қўйиб бўпман. Қирқ центнер учун қурашаяпмиз. Олтмиш икки гектар еримизда 248 тонна пахта етиштирмоқчимиз. Ўз бригадамиз ва қўшни бригадалардан 250 тонна пахта теришга аҳд қилдим.

— 250 тонна! — Ажабланди Турсуной Йўлдошева, — жуда катта жўръат қилворибсиз-ку, адаш. Мен 150 тоннани мўлжаллаб турибман.

— Мўлжални жуда тўғри олибсиз, — деди унинг суҳбатдоши, — сизларнинг ерларингиз паст, баланд, қия. Шундай ерлар шароитида 150 тонна териш ҳам катта гап.

Турсуной Охунова рўпарасида ўтириб, дугонасининг саволларига бетўхтов жавоб бераётган Йўлдошевага синовчан назар ташлади. У ўз шогирди ҳақида ўйларди...

... Йигирма икки баҳорни кўрган, қорачадан келган, жиккаккина бу ёш жувон бундан икки йил муқаддам қаҳрамонинг синглиси Инобат Охунова билан бирга Турсунойга шогирд тушган эди. Ў шундай тиришқоқ, ҳаракатчан қиз эдики, ҳамма унга ишора қилиб «ажойиб механизатор чиқади» деб қўярди. Худди шундай бўлди. Ўша йили устоз икки шогирдини Вревскийдаги мактабга жўнатди. Орадан олти ой ўтгач, қарабсизки — иккаласи ҳам моҳир механизатор! Бу йил ўртоқ Йўлдошевани бригадага бошлиқ қилиб кўтаришди. Тўғри, бу бригада кичикроқ — 45 гектар ери бор. Лекин мақсад катта — 35 центнер!

— Турсуной опа, ўз бригадангизнинг ишлари ҳақида гапириб беринг, — илтимос қилди Турсуной Раимова.

— Юз гектар еримиз борлигини ўзингиз билсангиз керак, — деди Турсуной, — 50 центнерни кўзлаяпмиз. «Жуда катта кетибсиз-ку» деб ўйламанглар тағин, бу маррага албатта эришамиз. Ҳозир кўчатларимиз бут. Ҳар гектар ерда камида 100—110 минг туп ғўза бор. Иккинчи комплекс ишлов беришни эрта-индин тугаллаймиз. Иккинчи озиқлантиришни ҳам бошлаб юбордик. Ғўза зараркунандаларига қарши гексахлоран сепаяпмиз. Учта тракторимиз кунига 25—30 гектар ерни культвация қилаяпти. Кузда 300 тонна пахтани машинада териб олишга аҳд қилдим...

Уч Турсунойнинг суҳбати тугаганда тушки дам олиш пайти ҳам тамом бўлган эди. Улар пайкал чеккасида турган трактор ёнига келиб хайрлашишди. Турсуной Охунова трактор рулига ўтириб, пайкал оралаб кетди. Унинг икки исмдоши эса ўз бригадаси томон йўл олди...

Чиноз лик уч Турсунойнинг ишларига катта муваффақиятлар тилаймиз. Турсунойчиларнинг сафи кундан-кунга, ойдан-ойга, йилдан-йилга кўпаяверсин. Хамманинг орзу-истаги шу!

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МАЛИ ДАВЛАТИНИНГ БОШЛИҒИ КАВКАЗНИНГ ҚОРА ДЕНГИЗ СОҲИЛИГА КЕЛДИ

СОЧИ, 26 май. (ТАСС). Мамлакат бўйлаб сафар қилаётган Мали Республикасининг давлат бошлиғи ва ҳукумат раиси Модибо Кейта ва унинг йўлдошлари бугун Тошкентдан Сочига келдилар. Сочи, Адлер, Хостанинг жуда кўп аҳолиси ва дам олувчилар ҳурматли меҳмонни хурсандчилик билан табрикладилар.

ДОСААФНИНГ БЕШИНЧИ СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

25 майда ДОСААФнинг Бутуниттифоқ V съезди ўз ишини тамомлади. Делегатлар охирги мажлисда Армия, Авиация ва Флотга ёрдам берувчи Бутуниттифоқ кўнгилли жамияти Марказий комитетининг ҳисоботи юзасидан резолюция қабул қилдилар.

Сўнгра раҳбар органлар—СССР ДОСААФнинг Марказий комитети ва Марказий ревизия комиссияси сайланди.

Мамлакатнинг оммавий ватанпарварлик ташкилоти Уставига киритилган ўзгартишлар қабул қилинди.

Делегатлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

* * *

Янги сайланган ДОСААФ Марказий комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда жамият Марказий комитетининг раиси қилиб икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони армия генерали Д. Д. Лелюшенко сайланди. Унинг ўринбосарлари қилиб генерал-лейтенант С. С. Шатилов ва А. Н. Скворцов сайландилар. (ТАСС).

МАМАДУ ДИА СССРГА КЕЛАДИ

Сенегал Республикаси Министрлар Советининг раиси Мамаду Дна Совет ҳукуматининг Совет Иттифоқига расмий визит билан келиш тўғрисидаги таклифини қабул қилганлиги ҳақида илгари хабар берилган эди.

Ҳозирги вақтда Сенегал Республикаси Министрлар Совети раиси Мамаду Дианинг 1962 йил 5 июндан 15 июнгача СССРда визит билан бўлиши тўғрисида келишиб олинди.

ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг ижроия комитети барча депутатларга маълум қиладики, 1962 йил 29 майда саккизинчи чақириқ область Советининг VII сессияси бўлади.

Сессия эрталаб соат 11 да Ўзбекистон Давлат эстрада театри биносида (Навоий кўчаси 55-уй) очилади.

Депутатлар шу ернинг ўзида эрталаб соат 9 дан рўйхатга олинади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

ФУРСАТНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ

Биз янгийўллик мусобақадошлар даласида бўлдик, уларнинг иши билан танишиб, олинган мажбуриятларинг қандай бажарилаётганини текширдик. «Ленинизм» колхозининг аъзолари ғўза парваришида гайрат билан меҳнат қилаётганларини кўриб, жуда мамнун бўлдик. Дала ишлари яхши ташкил қилинган. Колхоз правлениеси ягана, ғўзанинг дастлабки парваришини тезроқ тугаллаш мақсадида қўшимча куч сафарбар этган.

Кекса пахтакор, 8-бригада бошлиғи ўртоқ И. Иноғомов бошлиқ бригада аъзоларининг иши мактаётга сазовор. Бу бригададан кўп нарса ўргандик. Бригада 140 гектар майдондаги ғўзани сифатли парвариш қилиб, эрта шоналашига эришипти. Ўртоқ О. Айитқулов бошлиқ бригаданинг даласи ёввойи ўтдан тозаланган. Н. Газизов, А. Исоқов, Т. Тожиев, К. Дониёров ўртоқлар сингари моҳир универсалчилар унумли меҳнат қилиб ҳаммани мамнун этишаяпти.

Ленин номли колхоз аъзоларининг ҳам ҳиммат лари баланд. Улар уч минг гектар ердан 10 минг тонна «оқ олтин» кўтариш учун аҳд қилганлар. Колхозда юксак мажбуриятни бажариш учун имконият катта, куч етарли. Ишнинг кўзини билган бригадалар фурсатни қўлдан бермай, ғўзани сифатли парвариш қилаяптилар. Абдураҳмон Ҳакимов, Нормирза Эшов, Фозил Қўчқоров, Акром Нишонбоев ўртоқлар бошлиқ бригада аъзоларининг фидокорона меҳнати туфайли далалар ўтдан тозаланган, ғўза таглари яхши юмшатилган. Буларнинг ишидан намуна олса бўлади.

Бироқ, колхознинг кўпчилик бригадасида ғўза парвариши қониқарсиз, ягана ҳанузгача тугаллаганмаган. Бегона ўт кўп. Сводкада 570 гектар ердаги ғўза ягана қилинмагани кўрсатилган. Аслида минг гектарга яқин майдондаги ғўза яганасиз. Ўтдан тозаланмаган, таги қотиб кетган.

Колхоз раҳбарлари сифатли парвариш қилинган ғўзалар билан маҳлиё бўлиб. кўпчилик бригадаларда юз бераётган камчиликларни тезда бартараф қилишга етарли аҳамият бермаганлар. Шуни ҳам айтиш керакки, колхозда ғўзани ўтдан тозаламасдан, сон кетидан қўриб, сифатсиз культивация қилиш авж олган.

Биз Свердлов номли колхозда ҳам Ленин номли колхоздаги каби жиддий нуқсонларни учратдик. Колхознинг деярли ҳамма бригадасида ҳар гектар ерда белгиланган миқдорда кўчат бўлишига эришилмаган. Айрим бригада бошлиқлари: «ғўзани олдин ўтдан тозалайлик, сўнгра хатоларига қўшимча чигит экамиз» деб фурсатни бой берганлар. Т. Жўраев, И. Боқиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда шундай аҳвол юз берган. Ҳар икки бригадада 40 гектардан ортиқ ердаги ғўза яганасиз, парвариш қилинмай ташлаб қўйилипти. 6, 10-бригадаларда ҳам шу хилдаги манзарага дуч келдик.

Колхозда меҳнат интизомининг бўшлиги ғўза парваришни суръатини кучайтиришга салбий таъсир қилган. 3, 4-бригадаларда долзарб кунларда 10 — 15 лаб колхозчи дала ишларига қатнашмаяпти.

945 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 25 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилган «Москва» колхозида ғўза парваришида катта узилиш бор. 798 гектар ердаги ғўза узунасига биринчи марта культивация қилинганн ҳолда, фақат 82 гектар майдондаги ғўза иккинчи марта узунасига культивация қилинган. Ғўзани қўндалангига культивация қилишда ҳам ана шундай тафовутга йўл қўйилган.

Колхоз раҳбарлари тракторлардан қониқарсиз фойдаланмоқдалар. 5—7 сантиметр чуқурликда культивация қилаётган универсаллар билан кунига ўрта ҳисобда 4 гектардан ердаги ғўза культивация қилинаяпти. Оралиғи тор, сифати эса жуда паст. Ишчи органлари тўла ўрнатилмаган. Ғозпанжа ўрнига наральник қўйилган. Колхоз инженери ўртоқ Угай далада бўлмайди. Тракторчиларнинг ишини текширмайди.

Колхоз раҳбарлари ҳар гектар ерда 110 минг тупгача кўчат бор, деб хотиржам юришипти. Ҳақиқатда ундай эмас. Бир қатор бригадаларда кўчат 50—60 мингдан ошмайди. Ўртоқ Цой бошлиқ бригадада аҳвол жуда ҳам ачинарли. Ғўзани ёввойи ўт ўраб кетган. Ҳ. Бектургонов раҳбарлик қилаётган бригадада эса дала ишлари ўз ҳолига ташланган. 80 процент майдондаги ғўза сув талаб бўлгани ҳолда, суғоришга эндигина киришилган. Ғўзани бостириб суғориш одат тусига кириб бораяпти. Колхоз агрономи ўртоқ Б. Иброҳимов бундай камчиликларни кўра туриб, уни бартараф қилишга етарли аҳамият бермагани бизни жуда ҳам ажаблантирди.

Районнинг «Коммунизм», Фрунзе номли, Киров номли, Калинин номли, Карл Маркс номли ва бошқа хўжаликларида ҳам ғўзанинг дастлабки парвариши суст, жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Бу камчиликлар мўл ҳосил етиштиришга ҳалақит беради.

Янгийўл районида барча майдондаги ғўзани тезда биринчи парваришдан чиқариб, иккинчи парваришини кучайтириб юбориш учун имконият катта. Мусобақадошларимиз асосий куч ва техникани дала ишларига тўла сафарбар қилиб, ғўзанинг биринчи комплекс парваришини яқин бир неча кун ичида тугатишлари ва барча майдонда мажбуриятни қоплайдиган миқдорда мўл ҳосил етиштириш учун курашни яна кучайтиришлари зарур.

Ф. БОВОЖОНОВ,
Оржоникидзе район ижроия комитетининг раиси, ўзаро текшириш бригадасининг бошлиғи.
К. ВИСОЦКИЙ, Ғ. ПИРМУҲАМЕДОВ, Н. ҒИЕСОВ, Ҳ. ЭЛБЎСИНОВ — ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

МИЛЛИЙ МАКТАБЛАРДА РУС ТИЛИНИ ЎҚИТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКАЛАРАРО КОНФЕРЕНЦИЯГА

УЛУҒ ВА ҚУДРАТЛИ ТИЛ

„Рус тили энг кучли ва энг бой жонли тиллардан биридир“.

К. МАРКС, Ф. ЭНГЕЛЬС.

„Рус тили ниҳоятда бой тилдир, у инсон ҳис-туйғулари ва фикрларини, уларнинг энг нозик нуқталаригача ифодалаш учун барча воситаларга эгадир“.

М. ГОРЬКИЙ.

БИТМАС-ТУГАНМАС ХАЗИНА

Рус тили! Буюк доҳимиз Владимир Ильич тили бу! Улуғ рус адиблари Л. Толстой, М. Горький шу тилда ўзларининг машҳур асарларини яратганлар. Рус тили халқларни маҳтун қилаётган абадий барҳаёт асарларнинг тилидир. Шунинг учун ҳам бу тил катта эътибор ва зўр муҳаббат билан юксак баҳоланади.

Буюк ва қудратли рус миллий тили совет даврида партия миллий сиёсатининг тантанаси натижасида бепоён она-Ватанимиздаги элат ва миллатларнинг чинакам ифтиҳори бўлиб қолди. Рус тили халқлар моддий-маънавий тараққиётида прогрессив роль ўйнади. Бу қудратли тил илм, фан, маърифат манбаи бўлиб, мамлакатимизда яшовчи барча халқларнинг экономикасини, маданиятини юксалтиришда ғоят кучли бир воситага айланди.

СССРдаги барча халқлар рус тилини ўзларининг иккинчи она тиллари деб юксак қадрлайдилар. Шу тил туфайли халқ ва миллионлар бир-бирларини бевосита тушунадилар. Миллий республикаларда кўплаб юқори малакали кадрларнинг ўсиб вояга етишида рус тили катта роль ўйнади. Чунки, рус тилини билиш жаҳон маданияти бойликларидан баҳраманд бўлишда ва ҳар бир халқнинг маданиятини ривожлантиришда чексиз имкониятларни очиб беради.

Рус тили орқали миллий тиллар бойиб бораяпти. Бу прогрессив ҳолни миллий тилларнинг лексикаси, терминологияси соҳасида ҳам кўриш мумкин. Рус тилидан миллий тилларга бадиий адабиётларнинг таржима қилиниши процессида миллий тиллар янгиданянги тасвирий воситалар, стилистик хусусиятлар билан бойиди.

Ўзингизга маълумки, Октябрь социалистик революциясига қадар ўзбек тилининг на мактаб грамматикаси, на илмий грамматикаси бўлган. Фан сифатида ўзбек тилшунослиги фақат совет даврида-гина, рус тилининг самарали таъсири остидагина ривожлана бошлади. Рус тилининг самарали таъсири энг аввал ўзбек тилининг луғат составининг бойишига ижобий таъсир кўрсатди. Ўзбек тили луғат составига жуда кўп ижтимоий-сиёсий, илмий-техника терминлари рус тили орқали кириб келди. Тахминий ҳисобларга қараганда ҳозирги замон ўзбек тили луғат составида бундай сўзлар 20—25 процентни ташкил этади. Шуниси характерлики, ўзбек тилига кирган совет-интернационал сўзларнинг кўпчилиги ҳеч қандай фонетик ўзгаришсиз қабул қилинди.

Айни вақтда бир қанча сўз бирикмалари ўзбек ҳамда рус сўзларининг қўшилиши билан пайдо бўлди. Сўз элементларини қисқартириш йўли билан янги сўз ясаш усули ўзлаштирилди. Қўшма гапларнинг синтактик конструкциялари анча кенгайди. Ўзбек тилининг стилистик имкониятларини кенгайтиришга ёрдам берувчи шахси топилмас жумлалар ривожланиб бормоқда. Фан ва техниканинг муҳим соҳаларида бир қанча йирик асарларнинг яратилиши, марксизм-ленинизм классикларининг ҳамда рус ва жаҳондаги машҳур олимлар асарларининг муваффақиятли таржима этилиши ўзбек адабий тилининг камолати учун катта истиқбол очиб берди.

Рус тилининг роли ва аҳамияти шулар билангина чекланмайди. Чет эл мамлакатларида, айниқса халқ демократик мамлакатларида бу тилга бўлган қизиқиш тобора кучаймоқда. Рус тили марксизм-ленинизм ғояларини, тинчлик ва озодлик идеяларининг жўшқин жарчиси бўлиб хизмат қилмоқда.

Рус тили эндиликда дунёда кўп тарқалган халқаро тиллардан бири бўлиб қолди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ва бошқа халқаро ташкилотларда рус тили инглиз, француз тиллари билан бир қаторда расмий алоқа воситаси сифатида қабул қилинган. Машҳур ҳинд олими доктор К. С. Кришнан «Комсомольская Правда» газетаси мухбири билан қилган суҳбатда, рус тилини билиш — ўзини ҳурмат қилган олим учун шартдир. Кимки фанни олдинга силжитмоқчи бўларкан, совет олимларининг машҳур асарларининг асл нусхаларини ўқийбилсин, деган эди.

Коммунизмга ўтиш даврида рус тили катта аҳамият касб этади. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программасида айтилганидек, турмушда она-тили билан бир қаторда рус тилини ҳам ихтиёрий суратда ўрганиш процесси кетаётганлиги ижобий аҳамиятга эгадир, чунки рус тили ўзаро тажриба алмашишга ва ҳар бир миллат ва элатнинг СССРдаги бошқа барча халқларнинг маданий ютуқларидан ва жаҳон маданиятидан баҳраманд бўлишига ёрдам беради. Рус тили амалда СССРдаги барча халқларнинг миллатлараро алоқа ва ҳамкорлик қилишида асосий восита бўлиб қолди.

Бой ва қудратли тилни биз ўзбеклар ҳам фахрланиб иккинчи она тилимиз деб айтамиз. Шунинг учун ҳам ўзбек мактабларида рус тили ўқитиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбек мактабларининг рус тили ўқитувчиларига ёрдам тариқасида 5 томлик русча-ўзбекча луғат, бир томлик русча-ўзбекча ўқитак луғати нашр этилди. Шу билан бирга ўзбек мактабларининг рус тилида анчагина кўргазмали ўқув қуроллари тайёрланди. Шунингдек, рус тилини ўқитиш ва ўрганиш соҳасида ҳам анчагина ишлар қилинди.

Бироқ шунга қарамай рус тилини ўқитиш ва ўргатишда бир қатор камчилик ва ҳал қилинмаган масалалар бор. Аввало, стабилашган дарсликлар яратилмаган. Бор дарсликларда асосий эътибор тилни ўргатишга эмас, балки тил грамматикасини ўргатишга қаратилган. Ўзбек мактабларида рус адабиёти рус мактабларидаги сингари ўтилиши туфайли рус адабиётининг бутун моҳияти, унинг бойлиги ва хусусиятлари ўқувчилар онгига тўла етиб бормайди.

Рус тилини оммавий ўрганиш юзасидан ҳали етарли даражада иш олиб борилмаяпти. Шуниси ажабланарлики, катта ёшдаги кишилар учун рус тилини ўрганишга доир дарсликлар шу чоққача яратилмаган. Етарли даражада русча-ўзбекча луғатлар йўқ. Рус тилини мустақил ўрганиш учун дарсликлар, грампластинкалар ва бошқа кўргазмали ўқув қуроллари тайёрлаш масалалари бўйича ҳам жиддийроқ ўйлаб кўриш керак.

Эртага Тошкентда очиладиган рус тилини ўқитиш масалаларига бағишланган республикаларо илмий конференциянинг чақирилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, бу катта йиғинда рус тили ўқитиш масалалари билан боғлиқ бўлган кўпгина проблемалар ҳал қилинади ва ўқитиш методикасини яхшилашнинг йўл-йўриқлари белгилаб берилади

О. АЗИЗОВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети рус тили кафедрасининг мудири, филология фанлари кандидати.

СЎЗ КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Мантиқий жиҳатдан жуда бой, халққа яқин рус тилини биз тожиклар ҳам фахрланиб «иккинчи она тилимиз» деймиз. Дарҳақиқат шундай. Чунки, бу тил Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг севимли тилидир.

Мен ўқитувчилик қилаётган Москва номли колхознинг мактаб-интернатида улуғ оғамиз рус тили жуда севиб ўрганилмоқда. Шу тилдан дарс бераётганлигим билан бахтиёрман. Чунки, ёш авлодда жаҳонда энг қудратли тилга бўлган қизиқиш ҳиссини уйғотиш шарафли ишдир. Ўқувчиларнинг рус тилидан сўз бойлигини ошираборишқўпроқ жонли кўргазмали ўқув қуролларидан фойдаланиш рус тилини пухта ўрганишда катта роль ўйнайди.

М. АБДУВАЛИЕВА,
Ленинобод область, Ленинобод район Москва номли колхознинг мактаб-интернати рус тили ўқитувчиси.

Буюк доҳимиз Владимир Ильич Ленининг «Рус тили бутун дунёда ўзини-ўзи танитади» деб башорат қилиб айтган сўзлари ўзининг тўла ифодасини топди. Ҳозир рус тилини билишга қизиқмаган кишини учратиш қийин. Рус тилига бўлган қизиқиш бундан буён ҳам кучаяверади. Чунки, рус тили СССРдаги турли миллатларнинг фахри бўлиб қолди.

Мактабларда рус тилидан дарс бериш соҳасида анчагина тажрибалар тўпланди. Рус тилининг бой имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун бундан буён ҳам гиммай қурашамиз. Рус тилини ўқитиш масалаларига бағишланган илмий конференция олдимизда турган муҳим вазифаларни конкрет белгилаб беришига ишончимиз комил.

Р. НУРТАЗИНА,
Олмаота шаҳридаги 12-мактабнинг рус тили ўқитувчиси.

Иккинчи она тилимиз! Ўз она тилидек азиз бўлган, ўз она тилидек яқин ва мўътабар тилни шундай баҳолаш мумкин. Рус тили ана шундай қудратли ва севимли тилдир. Шунинг учун ҳам бу тил ҳамма жойларда севиб ўрганилмоқда, севиб ўқитилмоқда.

Мактабимиз педагогик коллективи рус тилини ўқитишни яхшилаш борасида қатор тадбирларни амалга оширяпти. Шубҳа йўқки, эртага Тошкентда ўз ишини бошлайдиган республикаларо илмий конференция рус тилини ўқитишни янада яхшилашнинг йўл-йўриқларини кўрсатиб беради. Бу кўрсатмалар эса биз рус тили ўқитувчилари учун муҳим дастур бўлиб қолади.

Э. ИСМОИЛОВА,
Янгийўл шаҳридаги Навоий номли мактабнинг рус тили ўқитувчиси.

Рус тили қардош халқлар ўртасидаги алоқа тили бўлганлиги учун ҳам бу тил юксак қадрланади, ривож топади. Рус тилига бўлган самимият ва ҳеҳсиз муҳаббат халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларининг тағин ҳам мустаҳкамланишининг омилидир. Тил билиш, дил билиш демакдир. Дарҳақиқат, рус тили бугунги кунда дўстлик рамзи бўлиб қолди.

Республикаларо илмий конференциянинг чақирилиши қувончли воқеадир. Чунки, конференция қатнашчилари ўзларининг бой тажрибалари билан ўртоқлашадилар. Бунинг эса рус тилини ўқитиш савиясини оширишдаги роли каттадир.

М. ҲАМРОЕВА,
Душанба шаҳридаги 23-мактабнинг рус тили ўқитувчиси.

Зўр қизиқиш билан

Рус тили мамлакатимиздаги барча халқ ва миллатларнинг чинакам ифтиҳори бўлиб қолди. Чунки, улар шу тил туфайли бир-бирларини бевосита тушунадилар, халқлар ўртасидаги дўстлик ипларитағин ҳам маҳкамроқ боғланади.

Миллий мактабларда рус тилини ўқитиш масалаларига бағишланган конференция олдидан мактабимизда тематик кеча ва суҳбатлар ўтказилди. Тажрибали рус тили ўқитувчилари ёш авлодга севимли тилнинг аҳамияти ва унинг ҳозирги шароитда тутган роли ҳақида гапириб бердилар.

Шунингдек, деворий газеталарнинг кейинги сонлари улуғ ва қудратли тилга бағишланиб чиқди. «Рус тили-иккинчи она тилимиз», «Доҳий Владимир Ильич Ленин тилини пухта ўрганайлик», «Она ва рус тиллари» каби темаларни акс эттирувчи кўргазмалар ўқувчилар томонидан зўр эътибор билан тамоша қилинмоқда.

Ўзингизга маълумки, ўқувчиларнинг рус тилида сўзлаш нутқини ва билимини ўстиришда мактаб коллективининг, айниқса шу тилдан дарс берувчи ўқитувчиларнинг роли катта. Бунда рус тили дарсларининг методик жиҳатдан қизиқарли бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли ўқувчиларнинг рус тилига бўлган қизиқишларини ошириш учун бой имкониятлардан кенг фойдаланмоқдамиз. Машғулотларда ўқувчиларнинг луғат бойлигини ошириш учун ҳар бир сўзнинг англатган маъноси тушунтириб борилади, қийинларини луғат дафтарларига ёздириб борилади. Дарс давомида қаётий мисоллар ва кўргазмали қуроллардан фойдаланилади. Бу эса ўқувчининг оғзаки ва ёзма нутқ малакасини ўстиришда ижобий роль ўйнайди.

Гарчи, мактабимизда рус тилидан дарс бериш соҳасида маълум тажриба орттирилган бўлса-да, бироқ бу ҳали етарли эмас. Бунда айрим методик қўлланмаларнинг етишмаслиги ҳам салбий таъсир кўрсатаяпти. Айни вақтда рус тили ва адабиётини миллий мактабларда ўрганиш бўйича программа ишлаб чиқилса, чакки бўлмасди. Негаки, бундай программа тузилса, қардош республикаларда рус тилидан дарс беришда тўпланаётган тажрибаларни умумлаштириш осон бўлади.

Бошланғич синфлар учун тайёрланган дарсликларга мумкин қадар кўпроқ расмлар ишланса, ўтилаётган материалнинг чуқур ўзлаштирилишига ёрдам беради. Шунингдек, рус тилини ўқитиш методикасига оид қўлланмаларни кўплаб нашр этиш керак.

Эртага Тошкентда очилаётган рус тилини ўқитишга бағишланган конференция ана шу масалаларга ҳам эътибор беради деган умиддамиз.

М. ҚОДИРОВА,
Тошкентдаги 9-мактабнинг рус тили ўқитувчиси.

ҲИКМАТ КЎП БУ ТИЛДА!

Миллий мактабларда рус тилини ўқитиш-ўрғатиш масалалари республикаларо катта конференцияда муҳокама қилиниши бу муҳим соҳадаги ишларни яна ҳам ривожлантиришга, мустаҳкам изга солишга катта ёрдам беради. Бундан кузатилган асосий мақсад мактаб ўқувчилари, ўрта ва олий ўқув юртлари студентларининг жаҳонда энг илғор рус тилида бемалол ва ҳатосиз гапирадиган, рус ча китоб ва газеталарни ўқиб мукаммал тушунадиган, рус тилида бекаму-кўст ёзаоладиган бўлишларини таъминлашдир.

Бундай катта бахтга эришмоқ учун ёш авлодга ҳамма шароит ва имкониятлар яратиб берилган. Шу билан бирга бу соҳада тағин ҳам яхши самараларга эришмоқ учун янги-янги усул ва воситалардан кенг фойдаланиш лозим. Жумладан, мактаб ўқувчиларини, студент ёшларни луғатлардан фойдаланишга ўргатиш ва одатлантириш жуда муҳим. Рус тилида Д. Н. Ушаков таҳрири остида чиққан «Рус тили изоҳли луғати» машҳурдир. Бундан ташқари, «Русча-ўзбекча» ва «Ўзбекча-русча» деб аталган жуда яхши, мукаммал луғатларимиз бор. Аммо, бу луғатлар фақат айрим мактабларни ҳисобга олмаганда, умуман мактаб кутубхоналарида йўқ ҳисоб. Педагоглар дарслик китобларда берилган ва фақат дарслик текстларига доир арзимас даражада кам луғатлардан фойдаланиш билан қаноатланиб қолмай, ўқувчиларга катта, мукаммал луғатлардан, шунингдек турли соҳаларга доир махсус луғатлардан фойдаланиш малакаларини сингдиришлари, луғатлардан фойдаланишнинг аҳамиятини мутасил эслатиб, тушунтириб боришлари лозим.

Аммо «Рус тили изоҳли луғати» («Толковый словарь русского языка»), катта «Русча-ўзбекча луғат», «Ўзбекча-русча луғат» ва бошқа луғатлар етишмайди. Ҳозирги вақтда асосий луғатлар китоб магазинларида ҳам йўқ. Бинобарин, дарслик китобларидек муҳим ва зарур бўлган луғатларни ҳамма мактаблар учун етарлик миқдорда, дарслик китоблар қаторида кўплаб чиқариш масаласини тегишли нашриётлар олдига кескин қилиб қўйиш керак.

Бу билан қаноатланмай, яна шу луғатларнинг ўзини ёки уларнинг бир мунча қисқартирилган вариантларини юпқа қоғозда, майда ҳарфлар билан кичик «чўнтак луғатлари» шаклида ихчам қилиб нашр этишни зарур деб ҳисоблаймиз. Токи булар рус тилини ўрганишда ўқувчи ва студент ёшларнинг доимий йўлдоши бўлсин. Шунингдек кундалик ҳаётда учрайдиган иборалар, оддий ва мураккаб гапларни ўз ичига оладиган ўзбекча — русча ва русча—ўзбекча амалий сўзлар луғати тузиб нашр этиш ҳам фойдадан холи эмас.

Рус тилини тез, яхши, мукаммал ўрганиш ҳар кимнинг ўз ҳаракатига ҳам боғлиқ. Революциянинг биринчи йилларида рус тилини ўрганиш учун ҳозиргидек катта имкониятлар йўқ эди. Ҳозирги кекса олимларимиз, танилган ёзувчиларимиз, марксизм-ленинизм классикларининг, рус ва жаҳон адабиётининг буюк ва нодир асарларини, катта илмий китобларни ўзбек халқига тақдим этган устоз таржимонларимиз рус халқининг маънодор, сер ифодали, бой тилини асосан ўзлари, тиришиб-тирмашиб, газета ва журналларнинг йирик саргавҳаларини, расм ва карикатуралар остидаги сўзларни ўқиб, билмаганларини муаллимларидан сўраб ўрганганлар десак хато бўлмас.

Ҳозир болалар ва ўспиринларимиз, барча ёшларимиз учун ҳамма нарса муҳайё. Шу катта ва қувончли имкониятларга ҳар ким ўз ғайрат ва ташаббусини ҳам қўшса, ўқиш-ўрганиш янада баракали бўлади. Чунончи, ўзбек мактабларида рус тили ўқитувчиларининг раҳбарлиги остида ўқувчиларнинг ўзлари рус тилида деворий газеталар чиқаришлари ёки ўзбекча деворий газеталарда рус тили бўлимлари ташкил қилишлари мумкин. Ўшанда ўқувчиларнинг ўзлари рус тилида ёзган хабар ва мақолалари билан қатнашадилар, кичик-кичик ҳикояларни, севимли шоирларнинг шеърларини таржима қилиш малакаларини ҳосил қиладилар. Айниқса, қишлоқларда ўзбек ва рус мактаблари ўртасида алоқа боғлаб, ўзбек ва рус тилларида қўшма адабий кечалар ўтказиш, концерт ва постановкалар ташкил қилиш ҳам тил ўрганишга катта ёрдам беради.

Совет халқларининг улуғ оғаси, серҳиммат, заковатли ва оқил рус халқининг тилини ўрганган кишилар яна бир бебаҳо илм ва ҳикмат конидан баҳраманд бўладилар. Буларнинг ҳаммаси бир бўлиб ўзбек халқининг битмас-туганмас маънавий ва моддий хазинасига ҳисса бўлиб қўшилади.

Ф. ИСҲОҚОВ,
таржимон.

Пойтахтнинг Октябрь районидаги 11-мактабда рус тили ўқитиш намунали йўлга қўйилган. Ўқувчилар рус тилида нашр қилинган турли адабиётларни зўр қизиқиш билан ўқиб боришади. Суратда: ўқувчилар китоб ўқишмоқда.
Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

КАДРЛАР ЎЧОҒИ

Мамлакатимиздаги барча халқларнинг рус тилига бўлган муҳаббати чексиздир. Бу тилнинг ҳамма жойларда севиб, ардоқлаб ўқилиши ва ўрганилишининг бойиси ҳам ана шунда.

Улуғ оғамиз рус халқи тилига бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганлиги туфайли айрим олий ва ўрта махсус ўқув юртларида рус тили ўқитувчилари тайёрлайдиган махсус курслар очилган. Жумладан, бизнинг билим юртимизда ҳам ана шундай курс ишлаб турибди. 1953 йилда ташкил этилган бу курсда бошланғич мактабларга кўплаб педагогик кадрлар тайёрлаб берилмоқда.

Бунинг учун аввало билим юртида рус тилини ўқитишни яхшилашга катта аҳамият берилмоқда. Рус тили ўқитиш дарси программаси қайтадан тузилди. Программада ёзма ва оғзаки нутқни ўстиришга, амалий машғулотларнинг қизиқарли ўтишига кенг ўрин берилган.

Шунингдек, ўзбек бошланғич мактабларида рус тилини ўқитиш методикасини ўргатишга ҳам киришилди. Рус тилини ўқитиш бўйича ўтказиладиган педагогика практикасига ҳам етарли вақт ажратилди ҳамда бу ишга тажрибали методистлар жалб этилди.

Билим юртида бошланғич мактабларда рус тилини ўқитиш методикаси бўйича кабинет ташкил этилган. Кабинет йўли билан қизиқарли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозир химия, янги тарих, зоология, жисмоний тарбия каби бир қатор фанлар рус тилида ўқитилмоқда. Бу ҳол ўзининг яхши натижаларини бераяпти.

Ўтган вақт ичида билим юртини кўплаб ёш кадрлар тугаллади. Рус тили дарсини ўқитиш ҳуқуқини олган ўқитувчилар бошланғич мактабларда ўз касбида муваффақият билан ишламоқдалар. Бу эса билим ўчоғи педагогик коллективини беҳад мамнун қилмоқда.

М. ШАРИПОВА,
В. И. Ленин номидаги хотин-қизлар педагогика билим юртининг директори.

ОНАДЕК АЗИЗ, МЕҲРИБОН

Баноатхон ўзининг хомушлигини билдирмасликка уринса ҳам барибир Валентина Витальевна унинг юзига қандайдир ғусса қўланка солиб турганини бир боқишдаёқ пайқади.

— Нима гап ўзи, анча ўйчан кўринасиз, — сўради Валентина Витальевна меҳрибонлик билан. — Ҳа, айтгандек боя Тўлқиннинг онаси келганди, сиз билан учрашмоқчи экан.

— Биласизми, Валентина Витальевна, — деди Баноатхон ёрилиб, — шу тобда бошим қотиб, нима қилишимни ҳам билмай қолдим. Тўлқин ўйинқароқ бўлиб кетаяпти, ўқишининг мазаси йўқ, буларнинг ҳаммасини онасига айтдим. У ҳадеб ўғлининг ёнини оланпти. Рус тилида бинойидек сўзлашади-ю, нега энди шу фандан яхши ўзлаштираолмайди, дейди. Шунча тушунтирдим, бўлмади. Айб менда эмиш...

— Қалай, Тўлқиннинг дарсга ўқуви борми? — унинг сўзини бўлди Валентина Витальевна.

— Қунт қилсаку, яхши ўқийди-я, — жавоб берди Баноатхон. Оғзаки нутқи ёмон эмас. Бироқ ёзма ишга келганда мазаси йўқ, кўп хато қилади. Нима учун шундай бўлаётганлигини ўзим ҳам билмаяпман.

— Бундай деб ўйлаш нотўғри, — деди Валентина Витальевна. — Аввалдан борки, ўқувчида ўқишга ҳавас уйғота билиш керак. У ёғи ўз-ўзидан яхшилана бораверади. Мен сизга бир мисолни келтирай. 4-синфда Тоҳир Эрматов исмли бир бола ўқийди. Ўтган йили ерга урсанг кўкка сапчийдиганлардан эди. Унинг тилини топишга уриниб кўрдим. Дарс вақтида бир-икки марта ёнини олдим, кўнглини кўтардим. Йўқ, анча эпақага келиб қолди. Рус тили дарсидан 4—5 баҳо олабошлади. Ҳозир ҳам яхши ўқийди. Яна бир нарсани айтиб қўяй. Рус тили дарси анча мураккаб фан. Юқори ўзлаштиришга эришаман деган ўқитувчи машғулотларни нечоғлик жонли олиб бориши лозим. Бир дарснинг ўзида ўқишни ҳам, ёзма ишни ҳам бир бирига боғлаб қўшиб олиб бориш жуда қўл келади. Бунда ўқувчиларнинг рус тилида кўпроқ эркин сўзлашига қўйиб бериш керак. Мана шунақа. Ўқувчининг дарсга қизиқиш билан қараши кўпроқ ўқитувчига боғлиқ. Ўқувчининг бўлган-тургани шу экан, деб, юрсангиз бўлмайди. Кўпроқ ўқувчининг феъл-атворини тўла-тўкис ўрганишга ҳаракат қилинг...

Бу суҳбатдан сўнг ёш ўқитувчи Б. Маликованинг юраги анча бўшади. Кекса ўқитувчи Валентина Витальеванинг жонкуярлиги унинг қалбида ўз касбига нисбатан тағин ҳам чинакам меҳр қўйиш ҳиссини уйғотди.

Кекса ўқитувчининг бой тажрибаларидан, кўмагидан жуда кўп ёш ўқитувчилар баҳраманд бўлди. Ҳа, Тошкентдаги 12-мактабнинг рус тили ўқитувчиси Валентина Витальевна Юсупованинг педагогларга ўрнак бўладиган томонлари кўп. У бу касбда бир йил эмас, икки йил эмас, сурункасига 35 йилдан бери ишлайди. Эҳе, бу орада ўзбек мактабларида рус тилини ўқитишда қанча бой тажрибалар орттирди, билимга чанқоқ бўлган қанча-қанча мурғак кўнгилларда рус тилига ҳавас уйғотди, аниқроғи қудратли тил чаманига уларни етаклаб кирди.

Мана эндиликда Валентина Витальевна севимли онахон ўқитувчилардан бири бўлиб қолди. Ўртоқ Юсупова ўз ўқувчиларини бир кун кўрмаса туролмайди. Шу боисданки, уни — мактабдами, кўчадами, қаерда бўлмасин болалар даврасида кўрамиз. У ёш авлоднинг қунт билан ўқишга, рус тилини севиб ўрганишга даъват этади. Меҳрибон ўқитувчини ҳар safar учратганда «Онадек азиз, меҳрибон муаллима» деб фахрланасан киши.

А. АЛИЕВ.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида рус тилини ўқитиш масалаларига бағишланган республикаларо конференцияга пухта тайёргарлик кўрилди. Суратда: рус тили масалаларига бағишлаб институтда ўтказилган биринчи студентлар конференцияси мажлиси.
В. Кожевников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҒЎЗАНИ БАРВАҚТ ОЗИҚЛАНТИРСАНГИЗ ЭРТА ҲОСИЛ ОЛАСИЗ

МЕХАНИЗАЦИЯГА ТАЯНИБ...

Бу воқеа қишда бўлиб ўтган эди. Совхоз директори трактор-чи Месут Решитовни ўз кабинетига таклиф этди. Улар ўртасида қисқа суҳбат бўлиб ўтди.

— Бригадага бошчилик қиласанми?

— Майли, жоним билан.

— Лекин шуни ҳам айтиб қўяй, бригадани ўзинг тузасан.

— Жуда соз, ким хоҳласа шуларни аъзо қилиб оламиз.

— Фақат шундай бўлиши керак.

Тез орада янги бригада ишга киришиб кетди. Энг яхши тракторчи Риза Эмирсуюнов биринчи бўлиб бригадага аъзо бўлиб келди. Риза ва Месут бир-бирларини яхши билишарди, улар кўпдан буён тракторчилик қилиб келишади. Бундан ташқари сувчилардан Абдуқодир Шодмонқулов, Эргаш Назаров, Мамади Аҳмедов, Саидмурод Шомуротов ва бошқа ўртоқлар ҳам ана шу бригадага ўтишди. Далаларда кечаю-кундуз иш қизиб кетди.

...Мана бригаданинг пахтазорлари. Яшил квадратлар кўзни қувонтиради, Ғўза бир текис ривожланмоқда. Ҳар бири 4—5 тадан чинбарг чиқарган. Яна бир неча кундан кейин бу ғўзалар шоналай бошлайди. Квадратларнинг аниқ чиққанлиги мўл ҳосил етиштириш йўлидаги қўйилган дастлабки қадамдир. Бунда икки дўст Риза ва Месутларнинг ҳиссаси катта, албатта. Ахир, улар озмунча меҳнат қилишмади. Решитов ерни экишга тайёрлади, Эмирсуюнов чигит экди ва бир йўла ерга суперфосфат солиб кетди. Бироқ чигит униб чиқиши биланоқ қаттиқ ёмғир ёғиб, қатқалоқ пайдо бўлди. Шунда ротацион юмшатгич механизмлар, қўл механизмлари ишга тушди.

Ғўзани биринчи цикл парвариши 22 майда тугалланди. Барча майдондаги ғўза ҳар гектар ерга 150 килограмм суперфосфат, 100 килограмм селитра ва 200 килограмм маҳаллий ўғит ҳисобидан озиқлантирилди. Кўндалангига культивация сифатли ўтказилганлиги натижасида бегона ўт деярли йўқотилди.

Ғўзанинг иккинчи парваришини бригадирнинг ўзи бошлаб берди. У узунасига культивация билан бир йўла тупроққа суперфосфатга гексохлоран аралаштириб солиб кетди. Агротехниканинг бу усули Боёвут совхозларида ҳали қўлланилгани йўқ. Бироқ шуни айтиш керакки, бу усул кузги тунлам ва ширага қарши курашишда жуда зарурдир. Агрегатда 21 ишчи органи бор, шулардан 4 таси юлдузчадир. Агрегатнинг ғоз панжалари ерни 7—8 сантиметр, наральниклари эса 10—12 сантиметр чуқурликда юмшатади. Қатор атрофлари 40—43 сантиметр кенгликда ишланади.

Картанинг қоқ ўртасига борганда Риза Эмирсуюнов агрегатини тўхтатди. У беш соат давомида тўрт гектар ерни культивация қилибди. Трактор атрофига бригаданинг ҳамма аъзолари тўпланишди. Совхознинг бош агрономи ўртоқ Анвар Мусаев кўчат қалинлигини сақлаб қолиш юзасидан тузилган шартноманинг бир нусхасини келтирди. Бунга биринчи бўлиб тракторчи қўл қўйиши керак. Чунки культивацияни у ўтказади. Айниқса, 60×45 сантиметр схемасида чигит экилганлиги туфайли ҳам механизаторнинг жавобгарлиги каттадир. Эмирсуюнов шартномани қўлида ушлаб нималарнидир ўйлайди.

— Ҳар гектар ерда 95—100 минг туп кўчат сақлаб қолиш юзасидан шартномага қўл қўйсакмикин,— ана шу савол билан атрофдагиларга бир-бир кўз уриштириб чиқади,— ахир бизнинг планимиз шунақа!

— Риза сен планни қўявер. Даладаги бор кўчатни мўлжалга олгин,— деб гапга аралашади Саидмурод Шомуротов ва узун мўйловларини бураб қўяди.

— Жуда тўғри гап. Ҳар гектар ерда 110 минг тупдан кўчат сақлаб қоламиз,— дейишади ишчилар бир овоздан. Чунки улар кўчатларни сақлаб қолиш тракторчининг эмас, шунингдек сувчилар, бригаданинг ҳар бир аъзосининг иши эканлигини яхши билишар эди.

Риза дўстларига яна бир бор назар ташлайди. Сўнгра шартнома тагига ҳар гектар ерда 110 минг туп кўчат сақлаймиз деб қўл қўйиб қўяди.

Етиштириладиган пахтанинг таннархи арзон бўлиши керак. Шунинг учун ҳам Решитов ҳар бир ишни, ҳар бир сарф-харажатни аниқ ҳисобга олиб боради. Бригадада запас суғориш ва қатқалоқни юмшатиш вақтида ортиқча меҳнат сарф бўлди. Эндиликда эса ғўза парвариши вақтида катта маблағни иқтисод қилиб қолиш имкониятлари бор. Даставвал 20 майгача ғўзани биринчи сувдан чиқариш планлаштирилган эди. Бу муддат ўтиб кетди, лекин тупроқда нам етарли. Демак суғоришни июннинг ўртасига кўчириш мумкин. Трактор ишлари ҳисобидан эса Риза бир тонна бензин иқтисод қилиб қолди. У ўзининг «Т—28» тракторини ғўза суст ривожланган айрим участкаларни ҳисобга олмаганда кўпинча иккинчи тезликда ҳайдайди.

— Бригаданинг мажбурияти қандай? — сўрадик биз Месутдан.

— Февраль ойида қабул қилган мажбуриятимиз эндиликда албатта эскириб қолди,— деб жавоб берди бригадир атрофга назар ташлар экан.— кўраяпсизми кўчатларимиз бир текис. Ана шуни ҳисобга олиб 30 эмас, 40—45 центнер учун курашишга аҳд қилдик.

Ишчилар ҳам бригадирнинг бу гапларини бир овоздан маъқуллашди.

Ўртоқ Решитов бригадаси коммунистик меҳнат коллективи деган фахрий номни олиш учун курашмоқда. Бу ерда ҳар бир киши механизацияга суяниб иш қилади. Механизация кенг қўлланилар экан, албатта ҳосил мўл, таннархи арзон бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, бригада бу йил етиштириладиган ҳосилнинг деярли ҳаммасини машинада териб олади. Бунинг учун ҳозирдан тайёргарлик кўрилмоқда. Ғўза машина теримига мослаб парвариш қилинаётир.

А. МУСАЕВ,
3-«Боёвут» совхози.

Гектаридан 40—45 центнер ҳосил олиш учун кураш бошлаган трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи, мана, шу сиз суратда кўриб турган йигит Месут Решитов бўлади.

А. Губенко фотоси.

СУРЪАТ ТЕЗ, СИФАТ СОЗ

Далада иш аллақачон қизиб кетган. Бир текис униб гуркираб ўсаётган жўхорилар секин эсаётган шамолда майин тебранади. Бригадир Люба Исҳоқова культивация қилаётган механизаторнинг ишидан хурсанд бўлди. Тупроқ майин юмшатилипти, ўғит ҳам белгиланган чуқурликка тушаяпти.

— Балли, азамат, ғайрат қилавер,— деб кўнглидан ўтказди бригадир.

Ҳақиқатан ҳам тракторчи Ўрозбой Фармоновнинг ишидан хурсанд бўлса арзийди. У ҳар куни 7—8 гектар маккажўхоризорга ишлов бермаса кўнгли ўрнига тушмайди. Бир неча кундирки, у маккажўхорини иккинчи культивациядан чиқармоқда.

«Фарҳод» совхозининг ўртоқ Л. Исҳоқова бошлиқ жўхорикор бригадасида 75 гектар ерда маккажўхори ўстирилмоқда. Ҳар гектар ердан 800 центнердан силос, 30 центнердан дон етиштириш мажбуриятини олган бу бригаданинг ишидан ўрнак олса арзийди.

А. БОИМУРОДОВ.

СОЦИАЛИСТИК ҚОНУНЧИЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙЛИК!

СОВЕТ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Улуғ Октябрь социалистик революцияси галаба қозонган дастлабки кундан бошлабоқ қонунчиликка катта эътибор бердилар. В. И. Ленин партиянинг XI съездида сўзга чиқиб, оддий ишчилар ҳамда деҳқонларга биз ўзимизнинг сиёсат тўғрисидаги тушунчаларимизни дарҳол декретлар формасида етказдик деган эди.

1917 йил октябрида В. И. Ленин томонидан ҳокимият тўғрисида ёзилган дастлабки декретдаёқ қуйидагилар айтилган эди: Совет шунга ишонч билдирадики, шаҳар кишилари энг камбағал деҳқонлар билан иттифоқ тузиб, мустаҳкам ўртоқлик интизомини ўрнатадилар, социализм ғалабаси учун зарур бўлган қатъий революцион тартиб-интизомни вужудга келтирадилар.

1922 йил 28 майда IX чақириқ Бутуниросия Марказий Ижроия Комитетининг учинчи сессиясида «Прокурор назорати тўғрисида Низом» тасдиқланди. Бу кун В. И. Ленининг ташаббуси билан вужудга келган совет прокуратурасининг таъсис этилган куни бўлди.

Прокурор назорати тўғрисидаги Низомда прокуратура қонунларга риоя қилиш учун назоратни амалга ошириш ҳамда жиноятчиликка қарши курашни тўғри йўлга қўйиш мақсадларида таъсис қилинади, деб айтилган эди.

Совет прокуратураси ўзининг 40 йиллик фаолияти давомида социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашда Совет ҳукуматининг жангговар органи, жиноятчиликка ва бошқа қонунни бузишларга қарши кураш органи бўлиб келди ва шундай бўлиб келмоқда. Социалистик давлатимизнинг тараққий этиши ва унинг олдида турган вазифаларнинг ўзгариши билан социалистик қонунчилик вазифалари ҳам ўзгариб борди. Қонунчилик устидан назоратни амалга оширишга, турли хил қонун бузишларга қарши курашни ташкил қилиш ва ўтказишга даъват этилган прокуратура органларига бўлган талаб ҳам ўзгариб ва ўсиб борди.

1955 йил 24 майда СССР Олий Совети Президиуми прокурор назорати тўғрисидаги янги Низомни тасдиқлади. Бу Низом прокуратура органлари фаолиятини, прокурорларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилашни назарда тутади. Бунда прокуратура органларининг вазифалари ва уларни ташкил қилишнинг ленинча принципларига қатъий амал қилинган, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш соҳасидаги сиёсати ўз ифодасини топган.

КПССнинг тарихий XXII съезди мамлакатимизда коммунизм қуришнинг улуғвор Программасини қабул қилди, давлатимизнинг барча органлари ҳамда граждан-лари олдида турган биринчи даражали вазифаларни белгилаб берди.

Партиямизнинг янги Программасида кўрсатилганидек, умумхалқ давлатимизнинг ҳозирги даврдаги энг муҳим вазифалари «...коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, социалистик муносабатларни коммунистик муносабатларга айлантиришни ташкил этиш, меҳнат меёри билан истеъмод меёри устидан контроль ўрнатиш, халқ фаровонлигини юксалтиришни таъминлаш, совет гражданларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, социалистик ҳуқуқ-тартиботларни ва социалистик мулкни қўриқлаш, халқ оммасини онгли интизом руҳида ва меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялаш, мамлакат мудофаси ва хавфсизлигини пухта таъминлаш, социалистик мамлакатлар билан қардошларча ҳамкорликни ривожлантириш, умумий тинчлик ишини ҳимоя қилиш ва барча мамлакатлар билан нормал муносабатда бўлиш»дан иборатдир.

Социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш ана шу вазифаларнинг муваффақиятли равишда бажарилишига кўп даражада ёрдам беради. Кейинги йилларда мамлакатимизда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан каттагина ишлар қилинди. Тошкент областидаги прокуратура органларининг ходимлари томонидан қилинган ишлар ҳам диққатга сазовордир.

Прокуратура-тергов ходимлари партия органларининг раҳбарлиги остида айрим маҳаллий органлар ҳамда мансабдор кишилар томонидан йўл қўйилган, қонунларни бузишдан иборат кўпгина камчиликларни тугатиш юзасидан талайгина иш қилдилар. Баъзи ташкилотларга кириб олган ва кўзбўямачилик ҳамда давлатни алдаш билан шуғулланган, давлат ва жамоат мулкини талон-торож қилган ва бошқа жиноий ишлар билан шуғулланган айрим муттаҳам ва фирибгарлар фош қилинди ҳамда улар жиноий жавобгарликка тортилди. Прокуратура органлари безорилик ва бошқа жиноий ҳаракатларга қарши курашни кучайтирдилар. Бунда жамоатчилик яқиндан ёрдам бериб турди.

Бироқ Тошкент областидаги прокуратура органларининг ходимлари жиноятчиликка ҳамда социалистик қонунчиликни турли йўллар билан бузишга қарши курашни кучайтиришга етарли эътибор бермаётирлар. Баъзи прокуратура-тергов ходимлари қонунни бузишдан иборат жиноятларни ўз вақтида очмаяптилар, баъзан эса бу хилдаги фактларни кўра-билатуриб унга қарши кескин курашмаётирлар, айрим ҳолларда эса муросасозлик қилмоқдалар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС XXII съездида алоҳида таъкидлаб ўтганидек, биз кишиларни совет қонунларини ҳурмат қилишга ўргатмоғимиз лозим. Қонун кучидан ҳам, шунингдек жамоатчилик таъсиридан ҳам тўла фойдаланишга эришмоғимиз лозим.

Областдаги контроль-ревизия органларининг ишида ҳам жиддий камчиликлар учраб туради. Айрим ташкилотларда бюрократизм, саналорлик, меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларига бефарқ қараш ҳоллари рўй бермоқда.

Ўзгалар ҳисобига яшашни афзал деб билган баъзи виждонсиз текинхўрлар ўзлари устидан тегишли контроль йўқлигидан фойдаланиб, давлат ва халқ маблағларини ўғирлаш билан шуғулланиб келишган. Кейинги вақтларда прокуратура ва милиция органлари томонидан Чирчиқдаги озиқ-овқат комбинатида. «Ўзбекбирлашув», айрим савдо ташкилотлари, маҳаллий саноат корхоналари, пахта қабул қилиш пунктлари ва бошқа ташкилотларда ин қуриб олган бир туда ўғри ҳамда муттаҳамлар фош қилинди. Улар орасида раҳбарлик лавозимларида турган айрим порахўр кишилар ҳам бор.

Чиноз пахта пунктидаги баъзи бир ходимлар томонидан қилинган жиноий ишларни текшириш вақтида шу нарса маълум бўлдики, пунктнинг старший товароведи Имомов колхозлардан давлат ҳисобига топшириладиган пахтани қабул қилиб олиш учун турли хил йўллар билан колхоз вакилларидан пора олиб турган. Айрим колхозларнинг раислари эса жиноятчини фош қилиш ўрнига, у билан муроса қилиб келганлар ва унга системали равишда колхоз ҳисобидан пул бериб турганлар. Бу порахўр ҳозир қамоққа олинди. Яқинда у ўз қилмишлари учун суд олдида жавоб беради.

Бутун совет халқи КПСС XXII съезди томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун курашаётган, коммунизм сари тобора яқинлашиб бораётган бир пайтда порахўрлик, давлат ва жамоат мулкини талон-торож қилиш ва бошқа хил жиноятларнинг содир бўлаётганлигига тоқат қилиб бўлмайди.

Шу муносабат билан Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг истакларини эътиборга олиб, кейинги вақтларда айрим хавфли жиноий ишлар учун жиноий жавобгарликни оширишга қаратилган бир қатор тадбирларни белгилади. 1961 йили СССР Олий Совети Президиуми давлат ва жамоат мулкини кўп даражада талон-торож қилган, бойиш мақсадида қалбаки пуллар ясаган, катта суммадаги валюталар билан олиб сотарлик қилган ҳамда оғир жиноий ишлар билан боғлиқ бўлган кишиларга нисбатан энг олий жазо—отиш чораси-ни қўлланиш тўғрисида Фармон эълон қилди. СССР Олий Совети Президиуми томонидан шу йил февраль ойида қабул қилинган Фармонларга биноан, жамоат тартибини сақлаш ва гражданларнинг ҳуқуқларини қўриқлашдан иборат ўз муҳим вазифаларни бажараётган милиция ходимлари ва халқ дружиначиларининг ҳаётига тажовуз қилганлик ҳамда номусга теккан-лик учун ҳам энг олий жазо—ўлим жазосигача қўлланилади.

СССР Олий Совети Президиумининг «Порахўрлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» деб чиқарган Фармонига мувофиқ, жиноий ҳаракатлар масъул вазифани эгаллаб турган, ёки илгари порахўрлик учун судланган, ёхуд бир неча марта пора олган мансабдор шахс томонидан қилинса ёинки, пора олиш қўрқитиш билан боғлиқ бўлса — жиноятчи мол-мулки мусодара қилиниб, 15 йилгача муддатга озодлидан маҳрум қилиш ва қамоқ жазосини ўтагач сургун қилиш ёки айбни оғирлаштирадиган алоҳида ҳолларда эса — мол-мулки мусодара қилиниб, ўлим жазосига маҳкум қилинади.

Бу Фармон пора берувчилар ҳамда пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахсларни ҳам жиноий жавобгарликка тортиш чораларини анча кучайтиришга хизмат қилади.

Биз турли хил жиноятчиларга, давлат ва халқ мулкини талон-торож қилувчиларга, текинхўрларга нисбатан шафқатсиз бўлишимиз керак. Шунингдек хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлаётган шахсларга қарши курашни тағин ҳам кучайтирмоқ лозим.

Прокуратура-тергов ходимлари совет прокуратурасининг 40 йиллигини нишонлар эканлар, мавжуд камчиликларни тугатиш, жиноятчилик ва социалистик қонунчиликни бузиш ҳолларига қарши курашни янада кучайтириш, бунда кенг жамоатчиликка таяниб иш кўриш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни қатъият билан амалга оширишлари керак.

Е. СМИРНОВ,
Тошкент область прокурори.

Янги сув магистрали

Қўриқ ўзлаштирувчилар тобора Мирзачўлнинг ичкарисига кириб бормоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ жанубий Мирзачўл канали иккинчи навбатининг қиргоқларида ястаниб ётган бир неча минг гектар қўриқ ўзлаштирилди. Бу ерларга экилган чигитдан униб чиққан яшил гилам чўл бағрини янада очиб юборди. Уларни суғориш вақти ҳам яқинлашмоқда эди. Шунинг учун «Узбекгидроэнергострой» трести механизациялашган ишлар Мирзачўл участкаси коллективи олдига қисқа вақт ичида Жанубий Мирзачўл канали иккинчи навбатининг ўн километр узунликдаги қисмини ишга туширишни вазифаси қўйилди. Участка механизаторлари ана шу топшириқни муваффақиятли бажариш учун кўтаринки руҳ билан жадал меҳнат қилдилар. Уларнинг бу иши катта муваффакият билан якунланди. Яқинда давлат комиссияси каналнинг ўн километр узунликдаги қисмини қабул қилди. Ҳаётбахш гавҳар янги сув артерияси орқали пахта плантацияларига томон оқди.

Жанубий Мирзачўл канали иккинчи навбатини қуриш ишлари давом этмоқда. Механизаторлар каналнинг сўнгги етти километр узунликдаги қисмини очишяпти. Қудратли экскаваторлар, скрепер ва грейдерларнинг шовқинсурони туну-кун тинмайди.

Жанубий Мирзачўл каналининг иккинчи навбати барча гидротехника иншоотлари билан бирга шу йилнинг охирига бориб фойдаланишга топширилади.

Е. ГОДОВИКОВ.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

ҒЎЗАНИ ЁШЛИГИДА ОЗИҚЛАНТИРИНГ

Ёш ғўзанинг нормал ривожланишида озиқлантириш катта аҳамиятга эга. Чунки ҳайдов олдидан ерга солинган ўғит тупроқнинг анча пастки қаватига тушиб қолиши сабабли ўсимлик ундан тўла фойдалана олмайди. Натижада ёш ниҳолнинг озиқланиши учун ноқулай ҳолат вужудга келади. Шунинг учун ҳам культивация билан бир йўла, яганалашни тугаллагандан сўнг ғўзани озиқлантиришга киришиш ҳосилдорликни оширишнинг муҳим шартидир.

Янгийўл районидаги «Ленинизм», Хрушчев номли колхозларда бу муҳим агротехника тадбири ўз вақтида ва сифатли амалга оширилмоқда. Ғўза ёшлигида озиқлантирилиб унинг нормал ва серҳосил бўлиб ривожланиши учун ҳамма шароит яратилаётир.

Ҳамма ерда ана шу миришкор деҳқонларнинг тажрибасини оммалаштириб биринчи озиқлантиришни ўз вақтида ўтказишга алоҳида эътибор берайлик.

Тажриба шуни кўрсатадики, биринчи озиқлантириш вақтида ерга азот, фосфор ва чиритилган гўнг аралашмасидан иборат маҳаллий ва минерал ўғит солиш яхши натижа беради. Далага экиш олдидан ёки экиш билан бир вақтда фосфор ўғити солинган бўлса, биринчи озиқлантириш вақтида ҳар гектар ерга 25—30 килограммдан соф азот ўғитига 100 — 150 килограмм чиритилган гўнг аралаштириб солиш тавсия этилади. Шунга эътибор бериш керакки, ўғит 12—14 см. чуқурликка тушиши керак. Ана шунда ёш ниҳолнинг илдизлари бу ўғитдан бахра олиб яхши ривожланади.

Тупроқда нам етарли бўлса, ерга солинган ўғитни ёш ғўза тез ва осон ҳазм қилади. Шунинг учун агар нам етарли бўлмаса озиқлантиришдан кейин дарҳол ғўзани суғориш керак. Ғўзани биринчи суғоришнинг муддатлари тупроқнинг унумдорлиги ва намлигининг қай даражада эканлиги ҳисобга олиниб белгиланади.

Ғўзани биринчи суғоришда унча қия бўлмаган карталарга сув эгат оралатиб берилади ва гектарига 600—700 кубометр сув сарфланади.

Шундай қилиб ғўзани ёшлигидан агротехника қоидаларига риоя қилинган ҳолда озиқлантириш пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг гаровидир. Ҳар бир пахтакор, механизатор буни асло унутмаслиги керак.

Н. АҲМАДЖОНОВ,
техника фанлари кандидати.

АЧЧИҚ САБОҚЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИБ

Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозида ўтган йили маккажўхори етиштиришга яхши аҳамият берилмади. Шунинг оқибатида 184 гектар майдоннинг 107 гектаридан 6 центнердангина дон, қолган 77 центнеридан эса 100 центнердан кўк поя олинди.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларидан руҳланган колхоз аъзолари бу йил ўтган йилги доғни ювиб ташлашга, маккажўхоридан мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар. Шу мақсадда алоҳида маккажўхори бригадаси тузилди, унга тажрибали деҳқон ўртоқ О. Хуршонов бошлиқ қилиб тайинланди. Бригада аъзолари 200 гектар майдоннинг 120 гектаридан 500 ўрнига 650 центнердан кўкпоя ва маккажўхори 80 гектар ерининг ҳар гектаридан 32 ўрнига 50 центнердан дон етиштиришга аҳд қилдилар.

Шу кунларда далада иш қизғин. Бир текис ундириб олинган маккажўхори сифатли парвариш қилинмоқда.

Бригада аъзоларидан М. Тоиров, М. Ражабова, Г. Улфонова, ва бошқа ўртоқлар кунлик нормаларини бир ярим-икки ҳиссага етказиб адо этмоқдалар.

Н. ТУФОНОВ.

СОҒЛИҚ ПОСБОНЛАРИ

Пойтахтнинг Октябрь районида Қизил ярим ой жамияти ўз сафларига салкам эллик минг кишини уюштирган мингга яқин санитария пости ва 110 санитария дружинаси ишлаб турибди. Улар ҳар йили меҳнаткашларга 16 мингга яқин дастлабки медицина ёрдами кўрсатишяпти. Жамиятнинг беморлар учун қон берувчи донорлари сони эса 8160 кишига етди.

Жамият аъзолари маҳалла, уй-жойлар озодалигига кўпроқ эътибор беришмоқда. Меҳнаткашлар ўртасида санитария-гигиена билимларини пропаганда қилишда медицина ҳамшираси ва биродарлари айниқса жонбозлик кўрсатмоқдалар. Шу кунларда районда 2 та халқ университети ва «Янги ҳаёт» маҳалласи ҳузурида ташкил этилган медицина пункти жамоатчилик асосида иш олиб бораётир.

Э. МАДРАҲИМОВ.

ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ СИГНАЛЛАРИ АСОСИДА

КУЧАГА ҚАЧОН АСФАЛЬТ ЕТҚИЗИЛАДИ

Шу кўчада яшовчи ўртоқ Расулевнинг юқоридаги сарлавҳа билан редакцияга ёзган хатида Халқобод кўчаси ўнқир-чўнқир бўлиб қолгани учун аҳоли ҳамда машиналар қатнови қийинлашаётгани тўғрисида хабар қилинган эди.

Хат юзасидан текшириш ўтказилиб, амалий тадбирлар кўрилди,— деб ёзади Киров район коммунал хўжалик бўлимининг мудири ўртоқ Абдуллаев.—Урицкий кўчасидан то Халқобод кўчасининг 30 уйигача бўлган йўл асфальт қилинган. Станислав кўчасигача бўлган қисмини эса эски уйлар бузилиб, йўл тўла очилгандан кейин ремонт қилинади.

ЭЛЕКТР ЧИРОҚЛАРИ ЁНАДИ

Пискент район ижроия комитетининг ранси ўртоқ С. Воҳидов редакциянинг текшириш ва чора кўриш учун юборган «Қачон нақирт чироқдан қутиламиз?» сарлавҳали хатига ёзган жавобида шундай дейди: «Коммунизм» колхозининг правлениеси «Оқ том» участкасини электр қуввати билан таъминлаш юзасидан барча чораларни кўраётир. Шу йил участка хонадонлари электрлаштирилади.

Бўка районидаги Охунбобоев номли колхознинг ўртоқ Н. Ф. Ким бошчилик қилаётган маккажўхорикорлик бригадаси аъзолари бу йил 107 гектар майдонда маккажўхори ўстирмоқдалар ва ҳар гектаридан 500 центнердан кўкпоя ва 50 центнердан дон ҳосили олиш учун курашмоқдалар. Ҳозир бригада тракторчиси ўртоқ Т. Худойберганов қатор ораларини сифатли культивация қилмоқда. Суратда: культивация қилиш пайти.

А. Абалян фотоси.

ИККИ ТОМОНЛАМА ИШЛОВНИНГ ХОСИЯТИ

Илғор тажриба минбари

Бригадамизда 118 гектар пахта майдони бор. Ҳамма ерга 60×45 схемаси билан чигит экдик. Ҳозир кўчатимиз текис бўлиб қолди. Бу бизнинг биринчи ғалабамиз. Бироқ, эришилган ғалабалар доим янгиси билан мустаҳкамланиб борилмаса, унинг фойдаси бўлмайди. Кўчатнинг сийраклашиб кетишига аввало бегона ўт сабаб бўлади. Ғўзани ўт ўраб қолгандан кейин иш икки уч баравар оғирлашади. Бир томондан кетмон чопиғига кўп куч сарфланиб, ортиқча меҳнат қилинади. Иккинчи томондан ўт билан қўшилиб, анча ғўза юлиниб кетади. Шунинг учун биз ҳозирги кунда ғўзага узунаси ва кўндалангига ишлов бераяпмиз.

Ғўзани кетмонсиз икки томонлама ишлашнинг ҳосияти нима? Аввало шуни айтиш керакки, ғўза кетмон билан чопилса жуда кўп вақт ва меҳнат кетади. Бунга куч етишмай, айрим карталарнинг ғўзасини ўт босиб, тупроғи зичлашиб қолади, ривожланиши сусаяди. Аввал узунаси ва кўндалангига культивация қилиб, кейин чопиқ қилинса ҳарбир киши чуқур кетмон чопиғига нисбатан уч-уч ярим баравар кўп иш бажаради. Чунки, культивация даврида қатор оралари яхши юмшаб ғўзанинг тўрт томонига майин тупроқ уйилиб қолади. Бегона ўтлар ҳам ўлиб кетади. Демак, кетмон чопиғига ҳожат қолмайди. Аниқроғи икки томонлама культивация қилинган ғўзани чопиш эмас, ўташ керак бўлади. Иш осонлашади, тезлашади. Энг муҳими, ғўза эркин ўсиб, тез ҳосилга киради.

Икки томонлама ишловнинг бошқа фойдаси ҳам бор. Ер устида кун кечириб, ғўзанинг томирини қирқадиган зараркунандалар бўлади. Трактор ғўзанинг чор атрофидан ўтиб тупроқни қўзғатиб турса, унинг орқасида жўяк олиниб сув қўйилса ҳашарот ҳам қирилиб кетади. Чунки, ғўзанинг тўрт томони ҳам юмшоқ тупроқ. Унга сув тез сингиб, ғўзанинг қоқ тагига етиб боради. Ғўза қуртлари ўлиб кетади. Бундан ташқари сувда бироз чиринди бўлади. Ғўза бир томонлама ишланса, бу чириндилар унинг томиригa икки томондан, узунаси ва кўндалангига ишланганда эса тўрт томондан сингади.

Ҳозир механизаторларимиз Эргаш Эрматов, Абдулла Мирзабоев ўртоқлар ғўзага икки томонлама ишлов бераяптилар. Бу иш ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун бошлаган курашимизга самарали таъсир қилади. Ҳа, ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлаган деҳқон ютади.

А. АГАЛИЕВ,
Гулистон районидаги «Октябрь» колхозининг бригадири.

КЕЧАГИ ПОЧТАДАН

КИНОТЕАТРДА ФОТОВИСТАВКА

Тошкентдаги Собир Раҳимов номли кинотеатрда «Етти йиллик амалда» деган темада фотовиставка ташкил қилинди. Бунга республикамиз шаҳар ва қишлоқларида яшаб, меҳнат қилаётган фотомухбирлар ва ҳаваскор фотографларнинг ижодий ишлари қўйилган. Кинотеатрга келувчилар виставкадаги юздан ортиқ ҳар хил темадаги фотосуратларни зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Р. МАНСУРОВ.

ЁШ ҚУРУВЧИЛАР

Республика меҳнат резервлари бошқармаси ҳузуридаги 36-қурилиш билим юртини бу йил 150 йигит-қиз тамомлаб чиқди. Улар ўқиш давомида сувоқчи, гишт терувчи ва дурадгорлик касбларини эгалладилар. Ёш қурувчилар Бекобод, Комсомол ва Гулистон районларига ишлаш учун жўнаб кетдилар. Улар бу ерларда қад кўтарадиган бинолар қурилишида ишлаб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг ҳуснига ҳусн қўшадилар.

Ю. АХРОРОВ.

МЕҲНАТ ОТПУСКАСИ ЯХШИ ЎТМОҚДА

Октябрь революцияси номли тепловоз вагон-ремонт заводининг касаба союз комитети ишчилар меҳнат отпускасини мазмунли ўтказиш тўғрисида яхши ғамхўрлик қилмоқда. Шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида ишчилар ва инженер-техник ходимлардан 136 киши ўз меҳнат отпускасини дам олиш уйлари ва санаторийларда ўтказди. Шу кунларда инструментальщик цехининг слесари Х. Абдувоҳидов Кисловодскда, ишчи В. Нагдасов Цхалтубада, пўлат қуйиш цехининг слесари А. Алениников Железноводскда дам олиб даволанмоқдалар. Йил охиригача корхона касаба союз комитети яна кўпгина кишига арзон баҳода путёвкалар беради.

Заводнинг пионер лагерида эса ёз мавсумда 700 дан ортиқ пионер ва ўқувчилар дам оладилар.

Ж. МАҲМУДОВ.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ЯНГИЛИКЛАРИ

УЛЬТРАБИНАФША НУРЛАРИ ВА ҲОСИЛ

Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтининг олимлари уруғларни экиш олдидан ультрабинафша нурлар билан нурлантиришнинг таъсирини ўрганмоқдалар. Қилиб кўрилган жуда кўп тажрибалар шуни кўрсатадики, агрономиянинг бу янги усули бошоқли экинлар ва жўхори ҳосилдорлигини 20 процентгача кўпайтирар экан.

Бир қатор совхоз ва колхозларда ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида жўхори уруғи нурлантириб экилди. Ана шунда гектар бошига жўхорининг донига ўрта ҳисобда 2,4 центнер, сўтали кўк поясига эса 40 центнер ҳосил қўшилди.

Уруғни нурлантирилганда гектар бошига бошоқли экинлар учун 10 тийин, жўхори учун эса 2 тийин сарфланади.

АВТОМОБИЛЬ-ТАРОЗИ

Синов машиналари, асбоблар ва ўлчов воситалари илмий-тадқиқот конструкторлик институтининг бир группа ходимлари оригиналь автомобиль-тарози конструкциясини яратдилар. Прибор анча ихчам, уни машинага ўрнатиш осон.

Бундай тарозиларнинг ишлаш принципи оддий. Тўртта тензометрик датчик (махсус симлар маҳкамлаб қўйилган одатдаги мембранлар) автомобиль рамасига ўрнатилади. Кузовга юк ортилганда, мембранлар эгилиб, сим қаршилигига таъсир кўрсатади. Кабина шчитига жойлаштирилган махсус прибор юкнинг оғирлигини кўрсатади. Шундай қилиб, шофер кабинадан чиқмаёқ ортилаётган юкнинг оғирлигини кузатиб тураверади.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети асосий кутубхонасининг ходимлари студентларнинг ҳурматини қозонишмоқда. Улар студентларга турли адабиётларни танлашда яқиндан ёрдам берадилар. Суратда: кутубхонанинг справочник-библиография секторининг мудири (ўртада) А. Капустина дипломантлардан В. Абдуллаева билан Г. Додабоевларга диплом темасига доир адабиётларни танлашга ёрдамлашмоқда.

М. Комлев фотоси.

„ҚИСҚА ХИМИЯВИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯ"

«Совет энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти химия масалаларига бағишланган 4 томлик янги справочникни нашрга тайёрламоқда. Бу «Қисқа химиявий энциклопедия»нинг биринчи томи яқинда нашрдан чиқди.

«Қисқа химиявий энциклопедия» неорганик химия, физик химия, органик химия, аналитик химия, коллоидик химия, геология химияси, табиий ва синтетик полимерлар химияси, радиохимия, радиация химияси, нефть химияси, бўёқлар химияси, изотоплар химияси ҳамда химия фани ва технологиясининг бошқа соҳаларига бағишланган масалаларни ўз ичига олади. Атом ва молекуланинг тузилиши, химиявий процесслар механизми, конформацион анализ ва органик химиянинг ҳозирги проблемалари каби назарий масалалар ва илмий методлар энциклопедияда асосий ўринни эгаллайди.

«Қисқа химиявий энциклопедия»да ҳаммаси бўлиб 5000 дан ортиқроқ мақола ёритилади. Бу мақолалар фақат кимёгарлар учунгина эмас, балки кенг китобхонларга ҳам мўлжалланган бўлади. Энциклопедия химия фани ва техникаси соҳасида ишлаётган илмий ходимлар учун, инженерлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, аспирантлар ва студентларга мўлжалланган. У физиклар, геологлар, биолог ҳамда медиклар учун ҳам фойдали қўлланма бўла олади.

Қ. АҲМЕРОВ.

БОЛАЛАР, САЁҲАТГА

Ҳа демай мактаб ўқувчилари ёзги каникулга чиқишади. Тошкентдаги республика болалар экскурсион-туристик станцияси болаларнинг ёзги дам олишини яхши уюштириш учун кўпгина тадбирларни планлаштирди.

Болаларнинг туристик группаси Москва, Ленинград, Рига, Қрим, Карпат, Кавказ ва Волга дарёси бўйлаб саёҳатларга чиқишади. Бу саёҳатларда 900 га яқин бола қатнашади. Улар бу ерларнинг гўзал манзаралари, музей, галереялари, тарихий ёдгорликларини тамоша қиладилар.

Тошкентнинг ўзида очиладиган туристик база эса ёз бўйи 800 ўқувчига хизмат қилади.

Экскурсион туристик станцияга ҳозирдан кўплаб аризалар тушмоқда. Станциянинг Бўстонлиқ, Арслонбоб, Шоҳимардон ва Омонқўтондаги тўрт туристик лагери 15 июндан ишга тушади. Буларнинг ҳар бирида 150 тадан бола дам олади. Туристик лагерлар ёз бўйи беш сменада ишлайди. Бу йил республика болалар экскурсион-туристик станцияси жами 30 мингдан ортиқ ўғил-қизга хизмат кўрсатади.

А. ЭГАМНАЗАРОВ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✦ **Чиноз.** Ленин номли колхознинг Тельман номли, «Учқун» участкаларидаги 400 дан ортиқ колхозчи хонадони электрлаштирилди.

Т. Имомов.

✦ **Тошкент.** Яқинда Рисовая кўчасида «Сельэлектромонтаж»нинг ишчи ва инженерлари учун 26 квартирали турар-жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Т. Ўринбоев.

✦ **Калинин.** Карл Маркс қишлоқ Советига қарашли клубда илмий-атеистик темада 14 бўлимдан иборат катта фотовиставка ташкил қилинди.

Т. Жўраев.

✦ **Янгиер.** 1-«Боёвут» совхозининг бўлимларида янги типдаги 50 га яқин турар-жой биноси қуриб битказилди. Бу биноларга совхоз ишчилари кўчиб кирдилар.

С. Сувонқулов.

✦ **Бўка.** «Ленинизм» колхозининг марказида юз болага мўлжалланган янги болалар боғчаси ишга туширилди. Боғча керакли жиҳозлар билан мукаммал таъминланган.

А. Маҳмудов.

Чет элларда нима гап

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИНИ ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН ТИНГЛАДИЛАР

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

ПРАГА, 25 май. (ТАСС). Чехословакия меҳнаткашлари совет партия-ҳукумат делегациясининг Болгарияга қилган визитини, Н. С. Хрушчевнинг бу мамлакат меҳнаткашлари ўртасида сўзлаган нутқларини зўр эътибор билан кузатиб келган эдилар. Улар бугун завод цехлари, шаҳар ва қишлоқ клубларида, уйларда радиоприёмниклар, радио карнайлари ва телевизорлар атрофига тўпландилар. Н. С. Хрушчевнинг нутқи чех тилига таржима қилиниб турди.

Ўртоқ Хрушчевнинг ер юзида мустаҳкам тинчлик бўлишини таъминлаш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилиш ва коммунизм идеяларининг тантанасига қатъий ишонч руҳи билан сугорилган нутқи Чехословакия жамоатчилигида ғоят кучли таассурот қолдирди.

Прагадаги Клемент Готвальд номидаги автомобиль заводи касаба союз комитетининг раиси М. Мах ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: Корхонамизнинг ишчилари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқини зўр иштиҳак ва эътибор билан тингладилар. Мамлакатнинг бошқа корхоналаридаги каби бу корхонада ҳам совет партия-ҳукумат делегациясининг Болгарияга қилган сафари тўғрисида, Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик лагерь мамлакатларининг тинчликсеварлик сиёсати ҳақида суҳбатлар ўтказилди.

БОЛГАРИЯ

СОФИЯ, 25 май. (ТАСС). Болгария телеграф агентлиги хабар беради: Н. С. Хрушчев бугун совет партия-ҳукумат делегациясининг Болгарияга қилган визити тўғрисида совет радиоси ва телевидениеси орқали нутқ сўзлайди, деган хабарни Болгариянинг бутун жамоатчилиги катта қизиқиш билан кутиб олди.

Жуда кўп кишилар Н. С. Хрушчевнинг Москвадан эшитириладиган нутқини тинглаш учун радиоприёмниклар ва радио карнайлари ёнига тўпландилар. Уларнинг ҳар бири болгар халқининг катта дўсти, тинчлик, ҳамжиҳатлик ва халқлар ўртасидаги дўстликнинг атоқли байроқдори Никита Сергеевич Хрушчевнинг гапини яна эшитишни, совет делегациясининг Болгарияга қилган сафари, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги, ҳар иккала қардош халқлар ўртасидаги муносабатларга унинг берган баҳосини эшитишни истайди.

Н. С. Хрушчев нутқининг КПСС билан Болгария Коммунистик партияси ўртасидаги муносабатлар ҳамиша қардошлик муносабатларидир, деб таъкидланган қисмидан болгар жамоатчилиги айниқса мамнун бўлди.

ПОЛЬША

ВАРШАВА, 25 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевнинг совет партия-ҳукумат делегацияси Болгарияга қилган сафарининг якунлари тўғрисидаги нутқи Москвадан эшитирилиши олдидан Польша шаҳар ва қишлоқларининг минг-минглаб аҳолиси телевизорлар атрофига тўпланди. Кейинчалик Польша телевидениеси ва радиоси Н. С. Хрушчев нутқининг баёнини эшиттирдилар ва азиз совет меҳмонлари Болгария тупроғида ғоят самимият ва муҳаббат билан кутиб олинганлигини таъкидладилар.

Бу эшиттиришларда асосий эътибор Н. С. Хрушчев нутқининг Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ва шу асосда Ғарбий Берлин масаласини ҳал этиш тўғрисида, ёппасига ва батамом қуролсизланиш ҳақида, атом қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида, Лаосдаги аҳвол ҳақида ғапирилган қисмларига жалб этилди.

ВЕНГРИЯ

БУДАПЕШТ, 25 май. (ТАСС). Венгриянинг юзмингларча меҳнаткашлари бугун миллионларча совет гражданлари билан бирга Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Москва телевидениеси орқали сўзлаган нутқини тингладилар. Бу нутқ тўғрисида матбуот ва радио орқали хабардор бўлган кишилар тўда-тўда бўлиб, клублар, маданият уйлари ва ўз уйларидаги телевизорлар олдига тўпландилар. Будапештдаги саноат ярмаркаси совет павильонига келган кишилар ҳам Н. С. Хрушчевнинг Москвадан эшиттирилган нутқини тингладилар.

ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ, 25 май. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг телевидение орқали нутқ сўзлашини Франция-да зўр қизиқиш билан кутар эдилар. Париждаги кўп газеталар, Франс Пресс агентлиги Совет Иттифоқи бошлиғининг нутқ сўзлаши тўғрисида бугун барвақт хабар бердилар.

Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчев нутқ сўзлай бошлаши билан Франс Пресс агентлиги шу ондаёқ бир неча қисқа хабарлар тарқатди, шундан кейин нутқнинг баёнини маълум қилди.

МОДИБО КЕЙТА ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИГА БОРАДИ

ПРАГА, 25 май. (ТАСС). ЧТК агентлиги хабар беради: Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти А. Новотний, Мали Республикасининг давлат бошлиғи ва ҳукумат раиси Модибо Кейтани 1962 йил май ойининг охирида расмий визит билан Чехословакия Социалистик Республикасига келишга таклиф этди.

Ўзаро келишувга мувофиқ, Мали Республикасининг давлат бошлиғи ва ҳукумат раиси Модибо Кейта 1962 йил 31 майдан 6 июнгача Чехословакияда меҳмон бўлиб туради.

АРАЛАШИШ КУЧАЙИБ БОРМОҚДА

БАНГКОК, 25 май. (ТАСС). Англия ҳарбий ҳаво кучлари самолётларининг биринчи группаси бугун Таиландга келди. Қолган самолётларнинг кейинроқ келиши кутилади. Бугун кечқурун Янги Зеландиянинг бир қанча солдатлар тушган ва юк ортилган самолётлари ҳам келади. Юкларнинг қандай характерда эканлиги сир сақланмоқда.

СОЛДАТЛАР ТАСЛИМ БЎЛМОҚДАЛАР

ХАНОЙ, 25 май. (ТАСС). «Патет-Лао овози» радиоси хабар беради: Фуми Носаван қўшинларининг Салафукуна районида самолётдан ташланган бир группа солдатлари яқинда ватанпарварлар томонига ўтди. Солдатлар исёнчиларнинг яна уч группаси қаерга туширилганлигини айтиб бердилар. Бу группалар дарҳол қуршаб олинди ва бир-биридан ажратиб қўйилди. Ана шу уч группадаги солдатларнинг ҳаммаси қуроллари билан таслим бўлди.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти 29 майда сешанба куни кеч соат 6 да бирлашган нашриётнинг қизил бурчагида бўлади.

Редактор ўринбосари
И. СУЛАЙМОНОВ.

ДОРИ

ҲИКОЯ

Ёз фаслининг салқин оқшоми. Кўчаларга сув сепилган, асфальт устида электр шуъласи ўйнайди. Проспектларнинг икки ёнидаги гулзорлардан атир гулнинг маст қилувчи ҳиди анқийди. Саидкарим шу манзарага мафтун бўлиб қараб бораркан, энди бу ерларга фақат меҳмон бўлиб келишини кўнглидан ўтказиб, қалбида алланечук ғашлик пайдо бўлганини сезди. Бу нохушликни йўқотиш учун Саидкарим бошқа нарсалар ҳақида ўйлай бошлади. Ўзи талабгор бўлиб шу қарорга келди, лекин хотини нима деркин. «Ҳа, нима дерди, ўқиган, тушунган, у ерда менга ҳам бир иш топилиб қолар», дейди-да. Акси бўлсачи... Ана унда кўринг тўпалонни. «Хотиним унамаяпти, ҳаҳмдан қайтдим», деб бораманми... Бундай бўлиши асло мумкин эмас, шармандалик...

— Барибир бораман, ҳатто жўнаш куним ҳам аниқ...

— Оқ йўл, бу ерда менинг ҳам бир куним ўтар, қўлим тош остида эмас, ўқитувчилик дипломим бор...

— Ўқитувчиликни ўша ерда қилсангизчи?

— Бир камим қишлоққа бориб қишда лой кечиш, ёзда чанг ютиш қолувди.

— Қишлоқлар сиз ўйлаганча жуда ҳам ундай эмас...

— Сиз, кинода кўриб қишлоққа беш кетиб юрибсиз, кўрамиз қанча чидаркансиз...

Қишлоққа жўнаш пайтида бўлган ҳангома олдида кеча кечқурунги гап-сўзлар ҳолва бўлиб қолди. Каримахон томонидан ҳар гаплар айтилди, эшитса илон пўст ташлайди. Саидкарим ўзини оғирликка солди. Жиғи-бийрон бўлиб турган хотинига «керак бўлиб қолсам мана шу адресдан топасиз» деб бир парча қоғоз узатди. Каримахон уни олиш ўрнига, шитоб билан бурилди-да ичкари кириб кетди.

* * *

Уйидан кўнгли яраланиб чиққан Саидкарим қишлоққа бориб кўнгли бирмунча ёришди. Бу ердагилар уни меҳрибонлик билан кутиб олишган эди.

Идора олдини супириб-сидириб юрган ўрта ёшли киши уни катта ҳовуз лабидаги сўрига бошлаб бориб, кўрпачага таклиф қилди ва ўзи бир дам йўқ бўлиб кетиб, бир қўлида тўртта нон, қант-қурс солинган патнус, иккинчи қўлида чойнак кўтариб келиб, меҳмон олдига дастурхон ёзди. У киши чой узата туриб, хуш келибсиз меҳмон, хизматлари бўлса буюрсинлар, деди. Саидкарим бу хил мулозаматдан ҳижолат чекиб кетди. Бирор хизмат буюриш ўрнига ўрта ёшли кишидан «Колхоз касалхонасида ишлагани келганман, дарвоқе касалхона қаерда?» деб сўради.

— Жуда соз бўлибди-да, касалхона узоқ эмас, бир паст нафас росланг, ҳаммаси ҳал бўлади,— деди суҳбатдоши ва меҳмон ёнига чойнакни суриб қўйиб, узр сўраган оҳангда, — бугун кечқурун шу ерда бригадирлар мажлиси бўлмоқчи, мен уёқ-буёққа қараб қўяй, дея ўрнидан юзғалди.

Мана бугун Саидкарим колхоз касалхонасида ишни қабул қилиб олганига салкам бир ой бўлди. Бу орада уйига уч марта хат ёзди, бир марта ҳам жавоб олгани йўқ. Тўртинчи хатига жавоб келди, конвертни шошиб очди, бир парча қоғозга тўрт оғиз гап ёзилган эди. «Намуна ташвиқот қилавермасангиз, жаннатдай жой бўлса маликалари ҳам бордир... Арзанданги кеча-ю-кундуз дадамлаб, жонҳолимга қўймаяпти. Ўн марта хат ёзгандан кўра бир марта келиб кетинг!». Хатни ўқиб Саидкаримнинг севинчи ошди. У эрта-индин уйига бир тушиб чиқмоқчи, шу борганида Каримани албатта кўчиб келишга кўндирмоқчи бўлди.

Уйда суҳбат давомида Янгиернинг кундан-кунга келиндек ясанаётгани, меҳрибон одамлари тўғрисида оғзидан бол томиб гапириб берди. Майли, доимий эмас, бирор ҳафтага меҳмон бўлиб боринг, ёқмаса қайтиб келаверасиз... деди Саидкарим. Хотини дарров хўп демади, «Борсам бораверманда», деб гапини дудмол қилди. Эртасига эри жўнаб кетгач, аввалига: «Нимага бирга жўнай қолмадим» деб афсусланган бўлди, кейнига эса «бир камим Янгиерга бориб чивинга ем бўлишим қолувдими» деб ўзини-ўзи койиган бўлди. Лекин шундай деб ўйласа ҳам, нима учундир ўзи бир умр кўрмаган қишлоқни кўргиси келиб соғинаётганга ўхшарди. Охири «қани бир бориб кўрайчи», деб кўнглидан ўтказди.

Каримахон орадан бир ҳафта ўтказиб эри ишлаётган қишлоққа келди. У автобусдан тушганда ғира-шира қоронғилик эди. Бирга келган йигит «опа, сиз сўраган қишлоқ шу» деди-ю, қаёққадир ғойиб бўлди. Каримахон оқарибгина кўринаётган бир бино томон эллик-олтмиш қадам юриб борган эди, кимдир унинг исмини тутиб чақирди. У чўчиб кетди. Чақирган Саидкарим эди. Афтидан бояги йигит бу аёл касалхонани сўраб келаяпти. Саидкарим акамларнинг хотинилари бўлса керак, деб таҳмин қилган ва унга хабар берган эди.

— Ҳа, уми, жуда аломат йигит, қўшнимиз Бувахон аканинг ўғли, райкультурада ишлайди, бошлаб келавермадингми, десам «ўзингиз чиқиб кутиб олсангиз ширин бўлади» деди. Югуриб келаётганим,— шу гапларни айтатуриб Саидкарим дарров ўғлини бағрига босди ва «бу ёққа юрамиз», деб хотинини ўнг томондаги сўқмоққа бошлади. Улар касалхона ёнидан ўтиб, рўпарадаги қизил эшикка қараб бурилишди.

— Ўйингиз шуми?

— Йўқ, қўшнимизники. Кампир: «келин бугунча бизникида меҳмон бўлсинлар», деб қўймадилар, сўзларини қайтаролмадим.

Карима бирор гап айтишга улгуролмай қолди, уйдан ёшгина жувон югуриб чиқиб, Каримахон билан опа-сингилдек кўришди. Хотинининг юзидаги ажабланишни кўриб Саидкарим тушунтирди:

— Бояги йигитнинг рафиқалари, Гулчеҳрахон...

Гулчеҳра меҳмонни уйга бошлади, ҳовлида уни ўрта бўйли, тўлдан келган, икки юзи қипқизил мағиздек кампир қарши олди ва кўришиб пешонасидан ўпти. Каримахонни шу хонадонинг эркатойлари—жажжигина ўғил ва қиз болалар ўраб олишди. Каримахон уларни бирма-бир бағрига босиб ўпти ва чўнтагидан конфет олиб, берди. Болаларни қўйиб ўрнидан турган эди, бояги йигитга кўзи тушди. У кулиб турибди:

— Укангиз Қурбонали деб билгайсиз,— деди.

Каримахон «ҳамма билан сўраширб бўлдим» деб турганда рўпарадаги уйдан хушбичим мўйсафид чиқиб келди ва жуда ёқимли оҳангда:

— Келинг қизим,— деди.

Меҳмонга дастурхон ёзилди. Кампир ҳам, келин ҳам топган-тутганларини келтиришди.

Эртаси куни Каримахон бошқа хонадонда меҳмон бўлди, индинига учинчиси... тўртинчи... меҳмондорчиликда юриб бир ҳафта ўтиб кетганини сезмай қолди. Келганига тўққизинчи кун бўлганда:

— Шундай қишлоқни, меҳрибон одамларни ташлаб қаёққа бораман...— деб қолди эрига.

— Демак, энди розисиз?

— Тилимдан тилхат бераман, шекилли!

* * *

Кўчиб келишгандан кейин орадан бир ойча ўтар-ўтмай Каримахон ишлашни қумсаб қолди. Шунда Саидкарим: «ихтиёр ўзингизда, хоҳланг мактабда, хоҳланг колхозда, албатта иш топилади» деди.

— Гулчеҳрахон қўярда-қўймай «бизнинг бригадага чиқинг» деяпти, бир умр дала бетини кўрмаган одам, қанақа бўларкин?

— Ўрганиб кетасиз.

Саидкарим хотинининг ишга жойлашишига атайин аралашмади, буни Каримахоннинг ўзи ҳам сезиб турар, шу сабабли у ҳам ўз йўриғини ўзи тўғрилаб қўлидан нималар келишлигини намойиш қилгиси келарди.

Мана, ҳозир Каримахон колхоз идорасида. Институтнинг физика-математика факультетини битирган, аммо бир марта ҳам қўлига бўр олиб доскага бирор рақам ёзмаган, шу вақтгача илмни сандиқда сақлаб келган Каримахон ўз қилмишидан жуда хафа бўлиб кетди. Аммо у ўзини босди, илмимни пеш қилгандан кўра ўзимни ишда кўрсатай, деб ўйлади ва Гулчеҳрахонлар бригадасига табелчи бўлиб боришга рози бўлди.

Бригадада Каримахонни хурсандчилик билан кутиб олишди. Колхозчи шўх қизлар ҳар куни тушлик вақтида табелчи опаларининг атрофига гуж бўлишар, уни шаҳардаги гаплардан гапириб беринг, деб қиссасидан қолмасдилар. Каримахоннинг ўзи ҳам бир минут бекор ўтирмас, шийпондаги чанг босган, муқовалари офтобда саргайиб кетган эски китобларни йиғиштириб, ўрнига янгиларини келтириб қўярди. Бир кун почтальонга дўқ қилиб қолди: «Бунақаси кетмайди опаси айлансин, марҳамат қилиб газета-журналларни ўз вақтида олиб келиб беринг». У, мақола ёзишга унча уқуви бўлмаса ҳам одамлар даладан келгунча «Жанговар варақа»ни тайёрлаб, шийпонга осиб қўярди. Ундаги «Оқ билак ойим дала бетини қачон кўрадилар» деган кичкина хабар ҳаммаларнинг эътиборини тортди. Каримахон секин суриштирса бригадирнинг хотини далага чиқмай қўйган экан, уни боплаб таниқ қилди. Бу мақола бригадирга қаттиқ таъсир қилди, аввалига «кечагина келиб танқидга ўтибсиз-да», деб димоғ қилди, кейин тушунди шекилли, уч кун ўтмай хотини далада кўриниб қолди. Лекин унинг хотини Каримахонга бирор ҳафта рўйхушлик бермай юрди: ҳатто «билакларим анча қорайиб қолди» деб киноя ҳам қилиб қўйди.

Шундай пайтлар бўлдики, Каримахон беш қунлаб, ҳафталаб ўғлини боғчага олиб бориб қўёлмас ёки олиб кетишга улгуролмас, бу ишни Саидкаримдан илтимос қиларди. Пахталар битта-яримта очилиб, йиғим-теримга тайёргарлик қунлари бошланганда, Саидкарим сўраб қолди:

— Каримахон, ишингиздан хурсандмисиз?

— Ҳа, сиз сўрагандан бери...

Саидкарим хотинининг пичингидан «дори-дармонларидан, упа-элигидан хабар олмай қўйганим учун ўпкалаяпти», деб ўйлади-да, «қайси куни шаҳарга тушганимда янги дори олиб чиққан эдим, ҳар куни кабинетимда эсимдан чиқариб қолдираман...» деди.

— Энди дорингизни экиб қўйинг, — деди у эрининг сўзини бўлиб,— мен жуда зўр дори топдим...

— Қанақа дори у,—ҳаяжонланиб, шу билан бирга шубҳаланиб сўради Саидкарим,— табиб-мабиб-га учрадингизми?

— Жуда ҳам бизни ерга ураверманг, табиблик ишим йўқ! — Кўнгли ранжиди Каримахоннинг.

— Хўш, ундай бўлса қанақа дори, қаерда экан?

Каримахон бу саволга икки оғиз гап билан жавоб бериши мумкин эди, бунинг ўрнига бригададаги ишлар, теримнинг дастлабки кунлари, студентлик вақтидан бери пахтани кўрмай соғиниб қолганлиги, одамларнинг ғамхўрлиги тўғрисида гапириб берди. Унинг гапни бошқа ёққа бурганидан Саидкарим яна шубҳага тушди. «Бирор хонаки дори қилган шекилли, яшираяпти» деб ўйлади у ва гапни яна дори хусусига бурди.

— Дорингизнинг номини айтмадингиз?

— Қани, чин доктор бўлсангиз айтинг, менинг касалимга қанақа дори дармон бўлади?

Саидкарим дориларнинг номини бирма-бир санаб кетди. Каримахон «яна, яна...» деб турди, бирортаси тўғри келмади.

— Қанақа дори экан у, айтақолсангизчи?!

— Меҳнат деган дори.

— Нима деганингиз?

— Сиз шу вақтгача топган пулингизнинг учдан бир қисмига менга дори олиб ичирдингиз. Дори ичиб турганимда уч кун иштаҳам очилар, яна эски аслимга тушиб қолаверардим, кўрсатмаган докторингиз қолмади, мен бўлсам озавердим. Офтобдан қочдим, тупроққа оёғимни босишдан қўрқдим, ўрада кўкарган картошка поясидек, юзимда қон қолмади. Мана, ҳозир...

— Ҳа, анча тўлишгансиз, Каримахон, сезиб юрибман...

— Сизга гап гапирса шунақа...

Каримахон қизариб кетди. У, ўрнидан ҳаққон туриб полда гурсиллаб юриб ҳовлига чиқди, буғ отиб бақиллаб қайнаб турган самоварни кўтариб келди. Унинг ҳаракатига, ғайратига Саидкарим хурсанд бўлиб қараб турар, қўлоғи остида Каримахоннинг «меҳнат — дори» деган сўзлари жаранглади.

С. МАҲКАМОВ.

Телевизор

27 МАЙ

Ўзбек тилида: 12.00 — **Физкультура билан шуғулланинг.** 12.20 — **Инглиз тили дарси.**

Рус тилида: 13.00 — **Пойтахтимиз меҳмонлари.** 13.25 — **Совет балети** (музика бўйича маданият университети). 18.00 — **Кўк қалпоқча** (Марказий телевизион студиясининг эшиттириши). 18.30 — **Телевизион янгиликлар.** 18.45 — **Мультипликация «Крокодил».** 18.55 — **Куннинг янгиликлари** (киножурнал).

Ўзбек тилида: 19.05 — **Телевизион янгиликлар.** 19.20 — **Шу тилда сўзларди сўзини Ленин** (Миллий мактабларда рус тилини ўқитиш масалаларига бағишланган иккинчи республикалараро илмий конференция олдидан). 20.00 — **Доно қиз ҳақида қисса** (ўртак кетидан эртак циклидан).

Рус тилида: 20.30 — **Қайсарни йўлга солиш** (фильм-спектакль). 21.50 — **Ўзбекистон профессионал таълим юртлари ўқувчиларининг VI республика бадиий ҳаваскорлар кўригининг қатнашчилари ижросида концерт.**

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/V да **Русалка**, кечқурун **Опералардан парчалар** деган **концерт.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 27, 28/V да **Тобутдан товуш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/V да **Тошболта ошиқ**, 28/V да **Ғазал фожиаси.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИ — 27/V да **Ўзбек ашула ва рақс ансамблининг концерти.** СССР халқ артисти **Тамара Хоним**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** иштирокида. Кеч соат 8 яримда бошланади.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Ғийбатчилар — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Она қасами — «МИР», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», (кундуз ва кечқурун).

Салибчилар (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 12 ва кеч 5 да).

Пласа Уникуль — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Номаълум гов — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Бизнинг кўчамиз — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Денгизчи қалби — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Мультипликацион фильм — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10 яримда бошланади)

Альба Регия — «ОКТЯБРЬ».

Ғийбатчилар (кеч соат 9 да), **Зангезур** (кеч 10 яримда) — «ВАТАН».

Қораловчи гувоҳ — «ПАХТАКОР». ПУШКИН номли, КАФАНОВ номли.

Салибчилар (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ номли.

Иш ва байрам кунлари—«ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 10 яримда).

Она қасами — ТЕЛЬМАН номли, «ФЕСТИВАЛЬ», «ШАРҚ».

Ноэль Фортюна — «УДАРНИК».

Ёз кунларидан бирида — «ПОБЕДА».

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалиги ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786. Секретариат — 34808, 31936. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 25885. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 00977. Нашр. Г. — 1600.